БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 2 июнь Шанба
№ 104 (13.540).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

4 июнда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди очилади

Хавф-хатарсиз ва оқилона дунё сари

ВАШИНГТОН, 31 май. (ТАСС махсус мухбирлари) Чоршанба куни кечқурун Вашингтонга келган М. С. Горбачевнинг АҚШга давлат ташрифининг амалий қисми пайшанба куни эрталаб АҚШ президентининг боргоҳида расмий учрашув маросими билан бошланди.

Совет раҳбарини СССР элчихонасидан Оқ уйга бораётган йўлда кўпгина чорраҳаларда пойтахт аҳолиси самимий табриклади. Ҳозир бутун Америка СССР Президентига «Вэлком!» — «Хуш келибсиз!» демоқда. Миллионлаб америкаликлар бу янги учрашувдан ғоят хурсанд бўлмоқдалар, олий даражадаги ҳозирги учрашувни хавф-хатарсиз ва оқилона дунё сари бориш йўлидаги ҳал қилувчи тарихий воқеа, деб ҳисобламоқдалар.

СССР Президенти тушган автомобиль роппа-роса соат 10 да Оқ уй территориясига кириб келди. Эски парк олдида, ям-яшил ўтлоқлар қаршисида АҚШ Президенти боргоҳи жойлашган бинонинг ҳар жойида Совет ва Америка давлат байроқлари, шунингдек, Колумбия округи байроғи ҳилпираб турибди.


М. С. Горбачев ва унинг рафиқасини Ж. Буш рафиқаси билан бирга кутиб олди. Президентлар ям-яшил ўтлоқ бўйлаб юз метрча юриб супага кўтарилдилар. Олий мартабали ва қадрли меҳмонни кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бошланади. СССР ва АҚШ давлат мадҳиялари янграйди. Артиллерия салюти гумбурлайди. М. С. Горбачев Ж. Буш ҳамроҳлигида фахрий қоровул сафини айланиб чиқади.

Оқ уйда кутиб олиш расмий маросими пировардида тўпланганлар ҳузурида АҚШ Президенти ва СССР Президенти нутқ сўзладилар.

Кеча музокаралар бошланди.

Делегат билан мусоҳаба

Ўзинг ёнмасанг...



Суҳбатдошимиз ҳақида маълумот. Шуҳратбек ИБРОҲИМОВ Андижон пойабзал фабрикасида фирқа ташкилотининг котиби. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаб, мазкур корхонада аввалига оддий ишчи, кейин уста, комсомол ташкилотининг котиби бўлиб ишлаган.

— Шуҳратжон ака, ишчининг ҳожати йўқ. Сиз ишлаётган корхона маҳсулотлари янги йиллар ҳам савдо дўконлари пештахталарида чанг босиб ётарди. Тўғрироғи, ўтмас матох эди. Эндиликда пойабзал сифати ҳам, чидамлилиги ҳам бирмунча бўлса-да яхшиланди. Ўзгаришлар боиси нимада?

— Тан олиш керак. Савдо дўконларига кирсак, елка қисиб чиқиб кетардик. Ахир ишлаб чиқарувчи учун маҳсулотларнинг чанг босиб ётишини кўришдан оғири йўқ. Биз корхонада қатъий интизом ўрнатдик. Яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ёки бошқачароқ қилиб айтганда «брак»чилар илдизига болта урдик. Энг муҳими, қолоқ участкаларга фаол коммунистларни бириктириб қўйдик. Биргина 5-цехни олинг. Тайёрланаётган маҳсулот сифати кўнгилдагидек эмасди. Цехда тикилаётган болалар ва ўсмирлар оёқ кийимларига турли жойлардан эътирозлар олаётгандик. Маслаҳатлашиб, коммунист Мавлонбек Расуловни шу цех бошлиғи қилиб тайинладик. Кўп ўтмай ишда силжиш, ўзгаришлар юз берди. Ўтган ойда улар режани 105 фоизга уддаладилар.

— Кейинги пайтларда фирқанинг обрўси тушиб кетди, деган ибораларни тез-тез эшитишга тўғри келаяпти. Яна шундай ҳоллар ҳам бўладики, КПСС сафидан чиқиш учун айримлар ариза бераяптилар. Шундай эмасми?

— КПСС теварагига эътиқодли, муштарак мақсадли кишилар бирлашиши керак. Тўғри, айрим имонини йўқотган кимсалар фирқа обрўсини тушириб қўйишди, аммо КПСС мамлакатимиздаги Октябрь инқилоби, жамоалаштириш йиллари ҳамда фашизмга қарши курашда халққа етакчилик қилди. Ғалабалар сари бошлади. Мен истардимки, фирқа сафидан кетмоқчи бўлаётган, унга таъна тошини отаётган, турли миш-мишларни тарқатиб, адоват уруғини сочаётганлардан воз кечиш керак.

Яқинда бичувчи Араббой Қирғизов ўзини КПСС сафидан чиқарилишини сўраб келди. Ишчи билан очиқ, дилдан суҳбатлашдик. Тушунтирдим. Биз танлаган йўл тўғри эканлигига, аммо ҳар биримиз виждонан мустаҳкам ирода билан ишлашимиз зарурлигини уқтирдим. Айтмоқчиманки, биз етакчилар, фаоллар фирқа аъзолари билан тез-тез мулоқот қилмоғимиз, улар қалбига йўл топмоғимиз лозим.

— Тўғрику-я, аммо корхонангиздаги айрим ишчи коммунистларнинг эътирозлари ҳам бежиз эмас, чоғи?

— Албатта. Улар аъзолик бадалининг юқорилигидан шикоят қилишяпти. Тўғри-да, айрим ишчилар 18-20 сўмлаб аъзолик бадали тўлашади. Иқтисодий мушкулликни бошдан кечираётган ҳозирги даврда бу фирқа аъзоларига оғирлик қилаяпти. Ўйлаймизки, бунга фирқанинг навбатдаги съездида жавоб топилади. Биргина бу эмас, коммунистларимизнинг олий анжумандан умидлари катта. Улар фирқадаги муаммоларга ечим топилишини кутишяпти.

— Бирлашма цехларида бўлганимизда «Бу ерда КПСС аъзолигига номзод... ишлаяпти» деган битикларни учратдик.

— Ҳайбаракаллачилик бизга кўп азоблар берди. КПСС сафига ўтиш борасида тажриба ўтказаяпмиз. Энг аввало номзодлар сурати ва улар ҳақидаги маълумот корхонанинг кўринарли жойига қўйилиб, ишчилар, фирқа аъзолари фикрлари ўрганиляпти. Ўтган йили 15 нафар номзод аризаси юзасидан ана шундай йўл тутилди. Пойабзалчиларимиз уларнинг 9 нафаринигина КПСС сафига лойиқ деб билдилар, холос. 2 нафарини эса умуман корхонада ишлашни лозим топишмади. Номзодлар ишлаётган цехлар ҳам диққат марказимизда бўлмоқда. Уларнинг дастгоҳи тепасида сиз таъкидлаган ёзув бор. Ахир одамлар фирқага кимларни қабул қилаётганлигимизни билишсин.

— Бирлашма маъмурияти бошланғич фирқа ташкилотининг тугатилганлигини қандай изоҳлайсиз?

— Маъмурият бошланғич фирқа ташкилотида 38 нафар аъзо бор эди. КПСС обрўси учун кураш кетаётган бир пайтда ўзгача йўл тутдик. Уларнинг жойини фирқа ташкилотларида деб билдик. Ахир бош мутахассислар, ишчилар ҳаётига қанчалик яқин бўлса, шунчалик яхши эмасми? Уларнинг дард-у ташвишларига шерик бўлишади, муаммоларини ўрганишади. Дастлабки натижалар ёмон эмас.

— Корхонада 1200 нафар комсомол аъзоси бор. Улар билан муносабат қандай?

— Оёғининг остидан узоқни кўролмайдиганларга ёшлар билан алоқа боғлаш унчалик шарт эмасдек. Аммо бизда ундай эмас. Ҳар бир комсомол йиғилиши коммунистлар иштирокисиз ўтмайди. Фирқа фахрийларини ёшлар меҳнат жойларига бириктириб қўйганмиз. Баҳоли қудрат йўл-йўриқ кўрсатишяпти. Бу борада бирлашма ветеранлар кенгашининг раиси Жўрабой ака Холмирзаев жуда катта ёрдам бераяпти.

— Жумҳурият коммунистлари қурултойидан нималарни кутаяпсиз?

— Энг аввало ижтимоий адолат талабларига муносиб баҳо бериш, иқтисодий танқисликдан чиқиш йўлларини қидириб топиш, фирқа аъзоларининг мустаҳкам ғоявий бирлигига эришишни.

Фозилжон ШОДМОН суҳбатлашди.

* * *

СУРАТДА: Андижон пойабзал фабрикаси фирқа ташкилоти котиби Ш. Иброҳимов.

Суратчи: Аъзамжон МИРЗАЖОН.

Биринчи саҳифага мактуб

Ўтмишнинг тоши оғир

Қайта қуриш ҳозирги даврнинг кечиктириб бўлмайдиган асосий бош вазифаси бўлиб, жумҳуриятимиз халқларининг фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Ўзбекистон ССР Президенти ўз зиммасига тушган оғир ишни бажариш йўлида собитқадамлик кўрсатаётганлиги яққол сезилиб турибди. Деҳқонларга ер бериш, шахсий чорвачилик хўжалигини ривожлантириш ва уни озуқа билан таъминлаш борасидаги Фармонлари шулар жумласидандир. Бу амалий қадамлар халқимизнинг кайфиятини кўтариши, самарали ишлашга руҳлантириши турган гап.

Ўтмишнинг оғир тоши чиндан ҳам зил-замбил. Уни қўзғатиш учун ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик жуда зарур. Шу жиҳатдан жумҳурият Вазирлар Кенгаши Раисининг Олий Шўронинг сессиясида бир овоздан сайланганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки қайта қуришнинг ҳозирги талаби истеъдодли ва қобилиятли одамлар иш бошида бўлишини тақозо қилади. Ана шундагина жумҳуриятимизда яшовчи ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисидаги орзуси рўёбга чиқиши шубҳасиздир.

Халқимизнинг, деярли ярми қашшоқликда кун кечирмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг оқилона бўлмаганлиги, бозорларда нарх-навонинг ошиб кетганлиги оқибатида фуқароларимизнинг кўпчилиги энг зарур ҳаётий неъматлардан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Табиий бойликларимиз мўл, халқимиз меҳнаткаш бўлишига қарамай, шу аҳволга тушиб қолишимиз ғоят ачинарлидир. Бу турғунлик даврининг мероси. Ундан қутилиш йўлида астойдил курашиш зарур.

Хоразм вилоятида ҳам кўпгина муаммолар тўпланиб қолган. Жумладан, ишсизлик, экология, касаллик ва бошқалар. Мен Хоразм халқи номидан жумҳурият ҳукуматидан ичимлик суви билан таъминлаш, Орол бўйи халқларига қачон, қандай қўшимча ёрдам берилишини, иш ўринларини кўпайтириш чораларининг кўрилишини, бу ерда ҳам трамвай ва троллейбуслар қатнашини сўрардим. Бундан ташқари Хоразмда педагогика институтини ҳисобга олмаганда бирор бир бошқа олий ўқув юрти йўқ. Ана шу соҳани ҳам ўйлаб кўриш вақти етган бўлса керак. Шунда фарзандларимиз ўксимаган, моддий ва маънавий эҳтиёжи қондирилган бўларди.

К. АБДУЛЛАЕВ,
Урганч қурилиш техникумининг ўқитувчиси, уруш ва меҳнат ветерани.

ҲАЙДОВЧИЛАР ҲИММАТИ

«ТАШОБЛГРУЗТРАНС» бирлашмасининг 125-автотранспорт корхонаси жамоаси Бўстонлиқ ноҳиясида сув тошқинидан азият чекканларга ёрдам жамғармасига уч минг сўм ўтказди. Ҳайдовчилар биринчилардан бўлиб қишлоқ меҳнаткашларига ёрдамга келишди. Автомобилчилар оғир шароитларда кунига 16 мартагача қатнаб, табиий офат юз берган жойда ўн икки соатлаб ишладилар.

СССР Олий Совети ўртоқ А. И. ЛУКЬЯНОВга
СССР Министрлар Совети ўртоқ Н. И. РИЖКОВга

Бозор муносабатига ўтишни объектив зарурат деб биламиз. Айни пайтда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг мустаҳкам кафолатларини ишлаб чиқмай туриб, бошқариладиган бозор иқтисодиётига жадал ўтишга, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар чакана нархини оширишга қатъиян эътироз билдирадилар. 1990 йилнинг 1 июлидан нон маҳсулотларининг нархи оширилиши барвақт эканлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Жумҳуриятнинг фикрини СССР Олий Советининг навбатдаги мажлисида СССР халқ депутатларига етказишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси — **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси — **Ш. МИРСАИДОВ.**

Нуқтаи назар

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИНИНГ АДОҒИ ЙЎҚДИР

ХАЛҚ МЕҲР қўйган ва камоли эҳтиром билан эргашадиган, сурронли дамларда қулоқ тутадиган ва ўзи ҳам халқ ишончини ҳамма нарсалардан — унвонлардан ҳам, юксак мукофотлардан ҳам юқори қўядиган олиҳиммат кишилар ҳамма даврларда бўлган. Ўзбек халқи учун Эркин Юсупов шундай ҳурматга лойиқ инсонлардан бири. Халқ наздида, шунинг учун ҳам ардоқлики, у жуда кўпчилик олимлардан фарқли ўлароқ, фақат қайта қуриш шарофати билан типларга солинган кишанлар парчалангандан сўнг эмас, балки ўша ўта мураккаб даврда ҳам анчайин дадил гапларни айтишга ўзида журъат сезган аллома.

СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Тошкент Давлат дорилфунунининг ректори, СССР халқ депутати сифатида жўшқин фаолият кўрсатаётган Эркин Юсупович ЮСУПОВ билан вақт тиғизлиги туфайли учрашиш осон бўлмади. Шу боис ҳам суҳбат гарчанд қутлуғ сана —ТошДУ 70 йиллиги муносабати билан уюштирилган бўлса-да, унинг диққатини халқнинг маданий-маърифий эҳтиёжлари юзасидан ҳам айрим мулоҳазаларни билдиришга даъват этишга журъат қилдик.

Қуйида ана шу суҳбатни ўқийсиз.



— Ҳурматли Эркин Юсупович, сиз тарихчи, файласуф олимсиз. Айни вақтда дорилфунун ректорисиз. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда қалдирғоч илм масканининг бугуни билан боғлиқ масалалар хусусидаги суҳбат муқаддимасини ўша, бундан етмиш йил муқаддам юз берган воқеани яна бир марта эслаш билан бошласак, дегандим.

— Тошкент Давлат дорилфунунининг шаклланиши ва унинг ривожланиши, шу илмий-тарбиявий даргоҳ ташкил этилишига ҳисса қўшган одамлар ҳақида турлича фикрлар бўлиши мумкин. Лекин энди тарих ҳақиқатини бузиб кўрсатишимиз асло мумкин эмас. Гап шундаки, Тошкент дорилфунунининг очилиши бизнинг маданиятимиз тарихидаги жуда катта воқеадир. Дорилфунун очилишида рус олимлари ўйнаган ролни, бу тадбир совет миллий сиёсатидаги йирик қадам бўлганлигини асло инкор этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз Тошкент дорилфунуни ташкил этилишини ўзбек халқи маданияти тарихидаги, Ўрта Осиё халқлари тарихидаги жуда катта босқич, деб қараймиз. Ўлкамизда замонавий фаннинг ривожланишида ва маҳаллий миллатларнинг вакилларини илм-маърифат борасига кўпроқ жалб қилишда дорилфунун ўйнаган роль беқиёс. Шунинг учун ҳам дорилфунунинг етмиш йиллиги, бу оддий байрам эмас, балки маданиятимизнинг улкан байрамидир. Бу Ўрта Осиё халқларининг барчасига тааллуқли байрам.

Шу пайтгача Ўрта Осиёда дорилфунуннинг очилиши зулматдан зиёга қараб ташланган қадам, умумий билимсизлик, саводсизлик давридан янги фан сари, маърифат сари ташланган қадам бўлди, деб келинди. Бунинг ҳам ўзига яраша ҳақиқий томони, тўғри томони бор. Лекин Тошкент дорилфунунининг ташкил этилиши миллатимизнинг, Ўрта Осиёдаги барча халқларнинг маданий тарихида қанчалик аҳамият касб этмасин, бу ерда том маънода зулматдан зиёга қараб сакраш бўлган эмаслигини қайд этиб ўтиш даркор. Халқимизнинг жуда ибратли анъаналари, тарихий маданияти бўлган. Ўрта Осиё халқларининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида ҳали биз мукаммал, тўла гапира олмадик. Бизда миллий онг ўсмаганлиги ва миллий зиёлиларимиз олдида ҳам мана шу масалага эътибор бериш борасида жуда катта тўсиқлар бўлганлиги сабабли шу кунга қадар бу юмушнинг уддасидан чиққанимизча йўқ.

Ўрта Осиёдан ипак йўлининг ўтиши, Шарқ билан Ғарбнинг боғланиши ўлканинг маданий камолотига ҳам таъсир этган эди, албатта. Биз археология соҳасида топилган қазилмалар ва қадимий қўлёзмаларда бор бўлган фикрлар асосида шуни қайд этиб ўтмоғимиз керакки, Ўрта Осиё ҳамма даврларда ҳам жаҳоннинг йирик маданий марказларидан бўлган. Бизнинг ўлкамизда Ибн Сино, Форобий, Беруний, Ал-Фарғоний, Улуғбек, Хоразмий каби алломаларнинг яшаганлигини, ижод қилганлигини, мана шу ерда олим сифатида танилиб, дунёга донг таратганларини тасодифий бир ҳол, деб айта олмаймиз. Бинобарин, биз ўлкада зулмат нимаю, зиё нима эканлиги тўғрисида гапирганимизда, мана шу нарсани эътибордан четда қолдира олмаймиз.

Ўлкамизда жуда катта маърифат, маданият ва фан илгари ҳам бўлган. Ўрта Осиёдаги мадрасаларга таҳсил олиш учун турли мамлакатлардан кўплаб талабалар келган. Улар бу ернинг ғаройиботлари-ю, унинг табиати учунгина келганлари йўқ. Улар Ўрта Осиёда билим олиш мумкинлиги, бу ерда ҳам диний, ҳам илмий, ҳам маданий фанлар бўйича дунёга танилган олимлар бор бўлганлиги учун ҳам бу ерга келиб ўқиганлар. Чунки, ҳозир баъзи олимлар исботламоқчи бўлганларидек, Самарқанд, Бухоро, Хива мадрасаларида ёлғиз диний таълимот ўргатилган эмас. Қолаверса, диний таълимотнинг ўзини ҳам қанақадир қуруқ сафсата, деб аташ нотўғри. Диний таълимотлар ҳам ўзида инсониятнинг илмий, маданий, маънавий камолоти билан боғлиқ бўлган кўпгина қадриятларни мужассамлаштирган. Шунинг учун мадрасаларда нафақат дин, ўша даврлардаги замонавий фан билан, маданият билан боғлиқ бўлган жуда кўп илмлар ҳам ўргатилган ва эндиликда биз мадрасалар хусусида гап борганда, уларни диний таълимот ва тарғибот манбаигина эмас, балки ўша давр учун хос бўлган фанлар тарғибот қилинадиган даргоҳ ҳам деб қарамоғимиз лозим.

Кейинги даврларда, айниқса, XVI — XVIII асрларда узоқ давом этган турғунлик даври бошланиб кетди. Хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар, низолар маданиятни ҳам бир қадар орқага тортди. X ҳамда XV асарларга нисбатан бир қадар орқага қараб кетиш бўлган бўлса-да, лекин бу даврда ҳам, шу вақтгача онгимизга сингдиришмоқчи бўлишганидек, маданий камолот тўхтаган эмас. Олдинги суръатларга нисбатан секинроқ бўлган, холос.

Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейинги маданий ҳаёт масаласи ҳам чуқур ўйланиши керак бўлган масаладир. Адабиётларда Ўрта Осиё қўшиб олинган дейилади, қўшиб олинган эмас, босиб олинган. Бу даврда ўлкада маданий ҳаётда янги бир босқич бошланди, деб айтишади кўпинча. Албатта, Россия маданияти, Европа маданияти таъсири, илғор рус зиёлиларининг ёрдами орқасида ўлкамизда маълум жиҳатдан маънавий камолот рўй берди. Лекин бу маданий камолот бўш ерда, бўш заминда бўлган эмас. Агар бўш заминда бўлганда шу даврдаги маданий камолотнинг суръатлари ҳам тез бўлмас эди. Лекин бу силжишлар чоризм томонидан онгли равишда олиб борилган сиёсатнинг оқибати эмасди. Чунки чор Россияси учун Ўрта Осиё хом-ашё манбаи сифатида, Россия капиталистик саноати томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотадиган бозор сифатида жуда керак эди. Бундан ташқари, Россияда феодализм емирила бошлагандан кейин тарқалиб

(Давоми 2-3-бетларда).

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

Амалий ишга қачон киришасиз?

(«Ёш ленинчи, 1990 йил 23 январь)

Ушбу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Тошкент метрополитенида жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги сезилмаётганлиги танқид қилинган эди. Яқинда метрополитен бошлиғи А. МИРЖАЛИЛОВ имзоси билан ёзилган расмий жавобни олдик. Унда жумладан шундай дейилади: **«Мақолани атрофлича ўрганиб чиқиб, шу масала юзасидан бажариладиган чора ва тадбирларни режалаштирдик. Бироқ метрополитен СССР Темир йўллар нозирлигига қарашли иттифоқ миқёсидаги корхона бўлганлиги учун адабиётлар, қўлланмалар, кўрсатмалар ва бошқа барча ҳужжатлар метрополитенлар Бош бошқармасидан рус тилида келади ва назорат қилиб туриладди. Бундан ташқари метрополитен иттифоқимизнинг турли шаҳарларидаги 180 дан ортиқ корхоналар билан узвий алоқа боғлаган. Шундай бўлишига қарамасдан, «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги қонунининг 24-моддасига амал қилиб, бекат номларини ўзбек тилида ёзиш ва бошқа баъзи бир ишлар (?)ни бажаришга киришдик. Бу ишларни бажариш учун юксак дидли, юқори малакали мутахассисларни жалб қилаяпмиз. Бу ишларни келгуси йилнинг охиригача тугаллаш мўлжалланган».**

Мақола эълон қилинганига 4 ойдан ошди. Бироқ ҳалигача унинг кучи сезилмаяпти. Қани метрополитен бошлиғининг ваъдасини кутайликчи, амалий иш қачон бошланаркин?



Янгиланиш йўлидан

Жорий йилнинг дастлабки беш ойи ҳам тугади. Биринчи ярим йиллик кўрсаткичлари учун ҳал қилувчи июнь ойига қадам қўйдик. Хўш, саноат корхоналари ўтган вақт ичида қандай натижаларни қўлга киритди? Сифат қандай бўлади? Меҳнат унумдорлиги-чи? Савдо пештахталари харидорлар кутаётган буюмларга тўладими ёки аҳвол ҳозиргидек танглигича қолаверадими?

Бу каби саволларга жавоб олиш қийин. Аниқроғи, бундай жумбоқларнинг ечимини вақт кўрсатади. Фурсат эса ўтиб бормоқда. Кимнинг фойдасига ўтаётгани эса тайин: ҳар ҳолда ҳозирча харидорнинг, меҳнаткашнинг фойдасига эмас.

Харидорни, меҳнат кишисини бугун катта бир воқеа ўйлантираётир. Бу — бозор иқтисодиёти муаммоси. Унинг қандай бўлиши эса нафақат оддий кишиларга, ҳатто, мамлакат иқтисодиёти учун масъул олимларга ҳам у қадар равшан эмасдек бўлиб туюлаётир. Зеро, ҳозир сўз юритилаётган, биз тасаввур қилаётган бозорни ҳали амалда ҳеч ким кўрган, эшитган эмас.

Хуллас, бундан буён бозор хўжалигига ўтамизми, йўқми, барибир ишбилармон тадбиркор кишилар ютади. Ишининг кўзини биладиган корхоналар муваффақиятга эришади. Ўз ишчи ва хизматчиларини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантира олади.

Хоразм ипак ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай корхоналардан бири саналади. Кейинги йилларда бирлашма жамоаси ишлаб чиқаришда барқарорликни таъминлай оладиган корхоналардан бирига айланди. Бу эса пировард натижада пиллакашларнинг кайфиятида ўз ифодасини топаётир. Рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 4 ойида 12 миллион 475 минг ўрнига 14 миллион 397 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Истеъмолчиларга 77,4 тонна ўрнига 88,9 тонна хом ашё етказиб берилди. Бирлашма ишчи ва хизматчиларининг иш ҳақи ҳам шунга яраша бўлди.

Корхонада қўлга киритилаётган ютуқларнинг энг муҳим омилларидан бири бу — иқтисодий хўжалик юритишнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этишдир. Турдош ва бошқа корхоналарнинг тажрибаларини амалда қўллаш ҳам ипакчиларнинг меҳнат кўтаринкилигини оширишда, айниқса, қўл келаётир. Хусусан, бу ерда Хива гилам комбинатининг кундалик беллашувини ташкил этишдек, тажрибаси қўлланила бошлади. Яхшилик ўз самарасини бермоқда. Янгиликларнинг тезкорлик билан жорий этилишида ҳамда жараёнларнинг аниқ ва пухта бажарилишида Гўзал Жуманиёзова, Лайло Абдалова, Барно Тожибоева сингари ёшлар кўпчиликка ўрнак кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: бирлашма тадқиқотчиси Барно Тожибоева.

Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

(Боши 1-бетда).

кетаётган, ерсизланган деҳқонларни бу ўлкага кўчириб келиш сиёсати билан ҳам боғланган эди, бу босқинчилик. Демак, биз Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида бу ерда илм-фан ўсди, маданий ҳаётда камолот рўй берди, деб айта олмаймиз.

Тўғри, илғор рус зиёлилари ўзбек халқининг, бошқа халқларнинг маданиятига жуда катта таъсир кўрсатишди. Улар ўлкада фаннинг ривожланишига маълум ҳиссаларини қўшдилар. Лекин бу чоризм сиёсати билан боғлиқ эмасди. Чоризм бу ерда диний хурофотни сақлаб қолиш, ўлкада саводсизлик, билимсизлик ҳолатини мустаҳкамлашдан манфаатдор эди. Чунки чоризмнинг сиёсати ғафлатда бўлган, қоронғу, билимсиз халқни талаш эди. Агар халқ билимли бўлса, замонавий фан, маърифат ютуқларидан хабардор бўлса, унинг миллий онги ҳам ўсиб кетар эди. Бу эса, чоризмнинг манфаатларига асло мос келмасди. Шунинг учун ҳам чор ҳукумати мана шу мустамлакачиликнинг ҳамма даврларида ўлкада фаннинг, маърифатнинг, маданиятнинг ўсишига йўл бермасликка ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам маҳаллий мактабларда фақатгина диний таълимотлардан билим бериш, замонавий фанларни бу ерга олиб кирмаслик, ўлкада маънавий камолот учун илмий ташкилотлар очиш мақсадида сарфланадиган харажатларни имкон борича камайтириш ёки ажратмаслик учун турли-туман найранглар ишлатишдан ор қилмади.

Баъзан матбуотдан Ўзбекистонда инқилобдан олдин 96—98 фоиз халқ саводсиз эди, деган сафсатани ўқиб хафа бўлиб кетасан киши.

Саводсизлик ўзи нима, деган гап. Саводсизлик бор. Билимлилик бор. Савод деган нарса асосан ўқиш-ёзишни ўрганиш, билим деган нарса ўқиш-ёзишни ўрганиш асосида замонавий фанларнинг заминини эгаллаш, уни ҳаётда қўллаш деганидир. Эҳтимол, Ўрта Осиё халқларининг ўша даврдаги илм даражаси бошқа ривожланган мамлакатлардаги аҳолига нисбатан ортда қолгандир.

Лекин савод масаласига келганда, менинг назаримда, умуман саводсизликнинг сони бунчалар кўп бўлмаган бўлса керак. Илгари, ўтмишда ҳам араб имлоси асосида ўқиш-ёзиш ривожланган эди. Мактаблар бор эди, ўқиш-ёзишни билган одамлар халқ ўртасида анчагина қисмни ташкил этарди. Мисол сифатида ўз онамни олиб кўрсатишим мумкин. Бу киши араб имлосида жуда саводли эдилар. Лекин улар ҳам саводсизлар қаторига кириб қолганлар. Чунки замонавий шаклдаги ўқиш-ёзишни эгалламаган эдилар.

Шунинг учун ҳам Тошкент Давлат дорилфунуни оммани саводли қилишда маълум аҳамият касб этганини инкор қилмаган ҳолда, асосан у оммани билимли қилиш борасида катта роль ўйнаганини, замонавий фан ва маданиятни тарғиб қилишда ўзига хос манба бўлганлигини таъкидлаш лозим.

— Дорилфунуннинг оёққа туриб олиш йиллари осонликча кечмаган, албатта. Моддий таъминотдаги қийинчиликларни қўятурайликда, лоақал икки халқ — ўзбек ва рус халқларини ўзаро тушунарли қилган тил масаласини олайлик. Ўзбек тилини билмайдиган рус ўқитувчилари билан рус тилини билмайдиган ўзбек талабалари ўртасидаги мулоқот, албатта, ҳозир биз тасаввур қилганчалик силлиқ кўчмаган бўлса керак!

— Дорилфунун янги ташкил этилган даврларда ҳали ўлкамизда ижтимоий-сиёсий масалаларда кўпгина тадбирлар амалга оширилмаган эди. Совет ҳокимияти ўрнатилган бўлса ҳам, бу ҳокимият ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш юзасидан биринчи қадамлар қўйила бошланган эди. Омма орасида ҳам шўролар тўғрисида айрим тушунчалар бўлсада, унинг моҳияти нима эканлигини ҳали кўпчилик билиб олмаган эди. Шунинг учун ҳам бу даврларни оғир даврлар деб ҳисоблаймиз. Устига устак сиёсий кураш, синфий кураш анча жиддийлашиб кетган эди. Мен шу ўринда одамларни дарёнинг икки қирғоғи ўртасида сарсон қилган мафкуравий курашларни, боз устига шовинизм ва маҳаллий миллатчилик кўринишлари юзага қалқиб чиққанини қайд этмоғим керак. Бу даврда айниқса, Октябрь инқилобидан кейин Ўзбекистонда, умуман Туркистон ўлкасида Улуғ давлатчилик шовинизми жуда кучайиб кетди. Бунга, албатта, тасодифий ҳол деб қараб бўлмайди. Улуғ давлатчилик шовинизми, бу фақатгина қанақадир шахсий ҳиссиёт эмас, бу мафкура эди. Бу жуда кўп йиллар мобайнида сингдириб келинган ва сингдириб борилаётган тарғиботнинг оқибати эди. Бу қарашларнинг асосий вакиллари ўша, мустамлакачилик даврида жуда катта иқтисодий ва сиёсий имтиёзларга эга бўлган кишилар эди.

Миллатларга бир хил қарамаслик, маҳаллий миллатларни ижтимоий сиёсий фаолиятдан четга суриш, уларнинг иқтисодий аҳволи билан қизиқмаслик, чоризм даврида тарбия топган кўпгина одамларнинг онгига ҳам таъсир этган эди. Айрим рус зиёлилари, ҳатто маълум қисм ишчилар синфи вакиллари ҳам шовинизм руҳи билан заҳарланганди. Улар ўша даврнинг маҳсули бўлганликлари учун бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди ва табиий равишда маҳаллий миллатлар тушиб қолган ҳолатни қонуний бир ҳол, деб тушунишар эди.

Ҳатто Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда ҳам, маҳаллий миллатларнинг манфаатига менсимасдан қараш ҳоллари содир бўлди. Туркистон Компартиясининг I съезди қарорларида маҳаллий миллатларнинг вакиллари сиёсий жиҳатдан етилмаганлиги учун уларни партия, жамоат ишларига жалб қилиш ҳали мумкин эмас, деган фикрлар ҳам айтилган эди. Бу, албатта, кейинги даврларда ҳам ўз оқибатини кўрсата бошлади.

Шовинизм Россиянинг ўзида ҳам кучли бўлган. Лекин, бу ерда шовинизм мустамлакачилик билан, миллий адолатсизликлар, миллий тенгсизликни қонунлаштиришга қаратилган ҳаракат билан боғланган эди. Инқилоб ғалаба қилгандан кейин ҳам, ҳатто партия аъзоларининг, ишчилар синфининг маълум қисми ҳам ўша имтиёзлардан кўз юмушни хоҳламадилар. Ўша имтиёзларни сақлаб қолишнинг йўлларини қидира бошладилар. Шунинг учун Ленин ўша даврларда шовинизмга қарши жуда қаттиқ кураш олиб борди. Ҳатто шу даражагача бориб етдики, шовинизмнинг ашаддий, тузатиб бўлмайдиган тарафдорлари ўлкадан чиқариб юборилди.

Шовинизмнинг ривожланиши, албатта маҳаллий миллатчиликни ҳам юзага келтирди. Миллатчилик билан шовинизм қандайдир бир-биридан ажралган нарса эмас. Шовинизм кучайган жойда миллатчилик ҳам кучаяди. Ўрта Осиё шароитида миллий зиддиятларни кескинлаштирадиган асосий омилларнинг бири шовинизм эди. Шовинизмга қарши реакция сифатида миллатчилик келиб чиқади. Мафкуравий курашнинг ўша даврдаги энг оғир, энг заҳарли томони ҳам шовинизм эканлигини шу ўринда қайд этмоқ лозим. Янги ҳаёт сари бораётиб ҳам шовинизм мавжуд тенгсизликни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилишдан чарчамади. Кўпгина маҳаллий раҳбарларда ғоявий етуклик бўлмаганлиги сабабли миллий қадриятлар учун, миллатларнинг барча соҳаларда тенглиги учун бўлган курашини миллатчилик деб баҳолаб келдилар. Айни вақтда, иккинчи томондан, ўзбек халқини рус халқига, бошқа халқларга қарама-қарши қилиб қўйиш билан боғлиқ бўлган ҳаракат — миллатчилик ҳам авжига чиқди.

Мана шундай оғир вазият дорилфунун ташкил этилган даврда ҳам бор эди. Мен, албатта, дорилфунун ҳаётида ана шу шовинизм ёки миллатчилик устунлик қилди, деган фикрдан йироқман. Лекин дорилфунун ташкил этилган, таълим-тарбия ишлари энди бошланган кезларда мана шу курашнинг таъсири бўлмай иложи йўқ эди.

Туркистонда юқори лавозимларда ишлаётган кўпгина раҳбарларнинг ўзи ҳам шовинизм ғояларидан холи бўлмаганликлари учун Туркистон давлат дорилфунунининг дастлабки йиллари, бунгача мустамлака зулмида бўлиб келган халқларни илм масканига жалб қилишда етарли даражада жон куйдирмадилар. Қолаверса, бу вақтда дорилфунун муаллимларининг ҳаммаси руслардан эди. Қўлланмаларнинг ҳаммаси ҳам рус тилида эди. Туб миллат вакиллари рус тилини билмагани учун, дарслар рус тилида олиб бориладиган масканда илм олиш имкониятига ҳам эга эмас эдилар. Шунинг учун ҳам дастлабки кезларда жуда катта қийинчиликлар бўлди. Дорилфунуннинг биринчи талабалари асосан Европа миллатига мансуб бўлган кишилардан иборат бўлганлиги ҳам шундан.

Ҳақиқат яримта бўлмайди, адолат ҳам. Шу боис фанни, адабиётни, тарихни, маданиятни биладиган одамлар ўша пайтларда ҳам маҳаллий миллат вакиллари орасида бор эди, албатта. Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Форобий, Сатторхон Абдуғаффоров ва биз кўп вақтдан буён жадид, деб атаб келаётганимиз Мунаввар қори ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай кишилар бизда кўп бўлган. Улар ўз замонасининг етук кишилари эди. Том маънодаги физик, математик, деб айтолмасак ҳам замонавий фанлардан хабардор мумкин бўлган илм эди. Биз юборишга юбордигу, лекин уларнинг мамлакатга қайтиб келишига имкон бермадик. Қайтиб келганларнинг кўпчилиги 30-йилларнинг қатоғонлик даврида йўқ қилиб юборилди. Шундай қисмат кутаётганини англаган бошқалари эса чет элларда қолиб кетдилар.

Ана шу даврдаги ғоявий тутуриқсизлик, хорижда бўлган ҳар кимни душман деб қараш асосида ҳар ерда, ҳамма воқеада синфий кураш аломатларини қидиришга бўлган уринишлар мана шу имкониятдан фойдаланишга йўл бермади. Бу бизнинг илмий ва миллий сиёсат соҳасида йўл қўйган энг катта хатоларимиздан бири бўлди. Борингки, улар ўша ўзлари ўқиган ёт ўлкаларда ғоявий жиҳатдан маълум таъсирга берилган бўла қолсинлар ҳам. Аммо бу ерга келганларидан кейин, албатта меҳнат қилишлари, ўша ғоявий таъсиротдан қутулишлари мумкин эди.

Гап одамда қандай ғоявий таъсирот борлигида эмас, гап шу одамни тарбиялаш имкониятларида. Биз одамни тарбиялаб, ўз ғоямизни сабр-чидам билан, амалий иш билан сингдириш масаласини эсдан чиқариб қўйдик. Биз учун ё душман, ё дўст бор эди. Душманни кетишига йўл очиб берган бўламиз.

Турғунлик даврининг бошланиши, яна такрор айтаман, ўша 20-йилларнинг ўрталарида, социалистик тараққиёт йўлларини белгилаб берган қонуниятлардан чекиниш оқибатида, социалистик принципларнинг бузилиши, инсонни ҳаётимиздаги асосий мақсад сифатида эмас, балки восита деб қарашдан келиб чиқди.

Социализм бизнинг мақсадимиз эмас. Бизнинг мақсадимиз бошқа: инсонларга тўқ, тинч, фаровон яшаши учун имкон туғдириб бериш. Социализмга биз мана шу мақсад йўлида, шу мақсадни амалга ошириш мумкин бўлган восита, деб қараймиз. Оқибатда эса нима бўлди? Социализм мақсаду инсон восита бўлиб қолди. Биз одамларнинг манфаатини четга суриб қўйиб, уларни бир онгсиз куч сифатида, мавҳум, илмий жиҳатдан асосланмаган, кўр-кўрона вазифаларни бажаришга зўр бериб ундай бошладик. Шундан кейин инсоннинг ўзи ҳам, унинг манфаатлари ҳам сояда қолиб кетди.

Бизнинг катта хатоимиз, у қандай, қачон юз берганидан қатъи назар, рўй берган ҳолатлар учун бир шахсни айбламоқчи бўлганимиздир. Тарихимизда ким қолди? Мана энди Ленинга ҳам доғ туширишаяпти. Наҳотки, жамиятимизга ҳамма вақт

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИНИНГ

бўлган, маданиятни, тарихни, адабиётни, ҳуқуқ масалаларини мукаммал билган одамлар эди, улар. Шунинг учун уларни дорилфунунда дарс бериш учун бемалол жалб қилиш мумкин эди.

Булар дорилфунун фаолиятининг биринчи йилларидан ҳосил қилиш мумкин бўлган таассуротлар. Кейинчалик хатоларни тузатиш учун бир мунча чора-тадбирлар кўрилди. Рус тилини билмаган, саводи етарли бўлмаган туб миллат вакиллари рабфак — ишчи куллиётлари тайёрлов курсларида маълум муддат сабоқ олгач, дорилфунунга қабул қилина бошланди. Қатор факультетлар ташкил топди. Маҳаллий миллат вакилларининг дорилфунун талабалари орасидаги салмоғи ортиб борди.

Демоқчиманки, дорилфунун гарчанд 1920 йилда ташкил топган бўлсада, лекин унинг ривожланиши, шу ривожланиш орқасида маҳаллий миллатларнинг миллий онги, ижтимоий-сиёсий билимларининг ўсишига бўлган таъсири 7—8 йил ўтгандан кейингина сезилди. Ва дорилфунун Ленин кўзлаган даражадаги илмий, тарбиявий, сиёсий мактабга айлана бошлади.

— Йигирманчи йилларнинг ўрталари ва ўттизинчи йилларнинг бошларида чет элларда, хусусан Германияда ўқиш учун кўплаб йигит-қизлар юборилди. Уларнинг кўпчилиги ватанга етук мутахассислар бўлиб қайтишди. Дорилфунун фаолиятида уларнинг изи борми! Ва у етарли даражада ўрганилганми!

— Чет элларга юборилган ўқувчиларнинг аксарияти илмга ташна бўлган ва олган билимларидан ўз элини баҳраманд қилишни дилига жо қилган кишилар эди. Лекин афсуски, сиёсатдаги салбий ўзгаришлар, ўша даврга хос волюнтаризм, субъективизм, халқлар ўртасида, мамлакатлар ўртасида ишончсизлик кайфиятларини чуқурлаштиришга бўлган уринишлар, хориждан келган одамларга душман деб қараш билан боғлиқ кайфиятлар мана шу кучлардан, мутахассислардан фойдаланиш имконини бермади.

Албатта, чет элларга яхши ниятлар билан юборганимиз йигит-қизлар қандайдир даражада ўзлари маълум муддат яшаган бегона юртдаги маънавий ҳаёт ва мафкура таъсирида қолган бўлишлари ҳам мумкин. Бу табиий ҳол. Чунки одам ўзи нафас олиб турган муҳитдан ажраб қолиши, ўша муҳит туғдирган вазиятни, ҳолатни ўз онгига сингдирмаслиги мумкин эмас. Лекин биз учун энг катта бойлик, бу улар олиб келиши дўст қилиш ҳақида мутлақо ўйлаганимиз йўқ. Лекин дўстни душман қилиш борасида жуда катта рекордлар қўйиб юбордик. Шу тариқа дорилфунунимиз томирида соғлом фикр барқ уриши учун жон куйдирадиган баркамол кишиларнинг иқтидоридан ўз «ташаббусимиз» билан воз кечдик. Ва ўйлайманки, бу билан кўп нарса ютқаздик.

— Қандай тузум бўлиши ва қандай сиёсат юргизилишидан қатъи назар илм ўз йўриғича ривожланаверади. Фақат у кўрсатилган эътибор кўламига қараб секин ёки жадалроқ бўлиши мумкин. Шу боис қатағон йилларида ҳам, биз турғунлик деб атаётган йилларда ҳам ривожланиш бўлган эди, албатта. Лекин кўнгилга тинчлик бермайдиган бир нарса бор. Ўша, соддароқ қилиб айтганда, ёмонлик ва сусткашлик ҳукм сурган йилларда толибларнинг билим олишга бўлган иштиёқи кучлироқ эди, назаримда. Бу, агар таъбир жоиз бўлса, инкорни инкор этувчи ҳолатга нима дейсиз! Нега шундай ҳол юз берди!

— Одатда турғунлик даври деганда 70-йиллар, 80-йилларнинг боши тушунилади. Лекин афсуски, бизнинг жумҳуриятимизда турғунлик давридан кейин қирғинлик даври бошланди. Буни ҳозир биз айтмасак ҳам, барибир у тарихда қолади. Биздан кейинги авлод айтади.

Мен турғунлик даври 70-йиллардан бошланди, деган фикрга қўшила олмайман. Назаримда, турғунлик даври илдизларини 20-йилларнинг ўрталаридан излаш тўғрироқ бўлади. Мана қўшиб ёзишни олайлик. Қўшиб ёзиш, албатта, 70-80 йилларда жуда ривожланиб кетди. Лекин бу ҳол илгарилари ҳам бўлган. Масалан, пахтачиликка зўр берилган 30-йилларнинг бошларида 100 центнерчилар, 120 центнерчилар деган гаплар пайдо бўлди. Ташаббускорларнинг кўпчилиги миллий қаҳрамон бўлишди, орденлар олишди. Ваҳоланки, ўша даврда мавжуд бўлган навлардан 100 центнердан пахта олиш афсонадан бошқа нарса эмас эди.

Турғунлик даври билан боғлиқ бўлган хатоларни битта шахснинг фаолиятидан қидириш ноўрин. Бу аломатларнинг асосий сабаблари бизнинг системамизда. Биздаги ижтимоий-сиёсий иқтисодий муносабатларда. Агар биз шу сабабларнинг заминини алоҳида шахсларга боғлаб қарайдиган бўлсак, турғунлик даврига хос аломат ва касалликларнинг яна ҳам авж олиб ақли заиф бўлган, қобилиятсиз раҳбарлар бош бўлиб турган бўлса? Гап одамларнинг ўзидагина эмас, гап ўша одамлар яшаган вазиятда.

Мана, ҳозир Ш. Рашидов тўғрисида ҳам анча сўзлар кетаяпти. Тўғри, Рашидовда ҳам маълум хатолар бўлган. Кадрлар танлаш масаласида, дабдабабозликка йўл бериш, ҳаётдаги нуқсонларни хас-пўшлаш, ҳамма нарсага тўн кийгизиб кўрсатиш борасида қатор хатоликларга йўл қўйган. Лекин Ўзбекистондаги турғунлик ёлғиз Рашидовнинг ўзига боғлиқ эдими? Жумҳуриятимиз раҳбари Рашидовдан бошқа одам бўлганда ҳам ўша даврларда хато қилган бўларди. Бундай хатолар мамлакатимизнинг ҳамма ерида содир бўлди. Лекин турғунлик даврининг иллатлари фақат Ўзбекистондагина микроскоплар ёрдамида, четдан келтирилган ғаразгўй раҳбарлар иштирокида текширилди. Бу ерда битта Рашидов эмас, балки бутун ўзбек миллати қораланди.

«Рашидовчилик» деган иборанинг қўлланиши ўша давр иллатларининг бош сабабларини тушунмаслик, ёки яширишга уринишдир. Кейинги йилларда «Рашидов даврида таъқиб этилганман» деб обрў, мартаба орттирмоқчи бўлганлар кўпайиб қолди. Лекин кўп масалаларда томошабин, кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб келган кишиларимиз ҳамма нарсани яхши билса ҳам янги қаҳрамонлар Рашидов даврида нима учун таъқиб этилганини очиқ айтмай, фақат дилда сақлаб келмоқдалар.

Айни вақтда Рашидов қилган алоҳида хизматларни ҳам инкор этиш инсофдан эмас. Бу масалада биз кўз юмсак ҳам, ҳақиқат барибир юзага чиқади. Ҳар ҳолда биз турғунлик даври тўғрисида гапирганимизда бор ҳақиқатни рўйи-рост айтишимиз даркор. Одамларни кетма-кет қоралаш билан, ёки бўлмаса, бадарға қилдириш, қамаш йўли билан жамиятдаги иллатларни тугата олмаймиз. Олдин жамиятнинг ўзини тузатиш керак. Чунки одам — муҳитнинг маҳсули. Қўшиб ёзиш имконияти, шундай ишларга талаб бўлганки, шундай қилинган. Ҳар бир маданий мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан олинган фойданинг ҳисоб-китоби бор. Бизда эса, бундай ҳисоб-китоб бўлмаган. Оқибатда қўшиб ёзишдек юқумли касаллик бутун жамиятни ўз исканжасига олди. Мамлакатимиз ўсиб кетди, капитализмни қувлаб кетаяпмиз, деб аюҳаннос солиндию, аслида ҳеч нарса ўзгармади. Қайта қуриш даврида ҳам бу борада сезиларли ўзгаришлар бўлаётгани йўқ.

Шу сўнгги хабар

ОИЛАЛАР БАЙРАМИ

...Гўдакларчи, гирик этимлар,
Талпинади она меҳрига.
Ахир она шафқатсиз бўлса,
Улар қайдан борсин фарқига.
Биз уларга қандай айтамиз:
Онажонинг бемеҳр инсон!
Йўқ, айтолмам, забоним ожиз,
Ўзларига буюрсин имон...

Ёш шоира, Қарши шаҳар Фурқат номли 13-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Лобар Ҳайдарованинг болаларча содда, бироқ қалбларни ларзага солувчи шеъри Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Тошкентда ўтказилган «Оилалар байрами»да янгради.

— Сана арафасида Зарафшон ресторанида ана шундай тадбир ўтказиш ғоясини ўртага ташлаганимизда, кўпчиликка маъқул тушди, — дейди В. И. Ленин номли совет болалар жамғармаси Ўзбекистон бўлими раисининг муовини Нурилла ака Исҳоқов. — Кейин ташкилий масалаларни келишиб олдик. Жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларидан обрўли, аҳил-иноқ кўп болали оилаларни таклиф қилдик. Сарф-харажатларни жамғармамиз қошидаги корхоналар кўтарадиган бўлишди. Меҳмонларни жой, транспорт билан таъминлаш, умуман хизмат кўрсатишнинг барча турларини улар бўлиб олишди.

Ҳозир бу ерга 400 киши тўпланган. Утиришни хўжалик ҳисобидаги тажриба «Севинч» бирлашмаси маблағ билан таъминлади. Ундан ташқари бирлашма бу ердаги болаларга 22 минг сўмлик совға-салом — туфличалар, ёзги кўйлакча-ю, комбинезонлар ҳадя қилди. Бошқа фирма — «Крок», ҳозир ўзингиз ҳам кўрдингиз, Тошкентдаги болалар руҳий-асаб касалхонасига ногиронлар йиғма аравачасини бепул топширди. Хўжалик ҳисобидаги «Камалак» ширкати 1,5 минг сўмлик болалар кийимларини совға қилди.

Байрам сценарийсини Ўзбекистон ойнаи жаҳони «Оила» кўрсатувини олиб борувчиси Замира Муқодирова ёзган. Бундай тадбир 1950 йилларда ўтказилиб, кейин унутилиб кетганди. Ҳозир яна тикладик. Ўйлаймизки, у анъанага айланиб қолади.

— Биз Қашқадарёдан келганмиз, — дейди Қарши шаҳар Қ. Ўлжабоев номли мактаб директори, меҳнат ветерани Тўрди ака Ҳайдаров. — Оилам Адолатхон Турсунова ҳам ўқитувчи. Етти нафар фарзандимиз бор. Аҳил-иноқлигимиз, умуман ҳозирги кунда эришган барча яхши нарсаларда Муборак онамиз ҳиссалари жуда катта.

Фурсатдан фойдаланиб, байрам ташкилотчиларига, бизга хизматда бўлган «Тўёна» вокал-чолғу дастаси, «Томоша» болалар фольклор дастаси, Н. Ҳамроқулов, Н. Чурадаева сингари санъаткорларга оиламиз номидан раҳмат айтаман. Бу нафақат байрам, балки меҳр-шафқат ҳамда хайр-эҳсон акти ҳам бўлди.

Фурқат НЕЪМАТ.

ДИҚҚАТ: ЎСМИР!

Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриёти клубида жумҳурият Ички ишлар вазирлиги ходимлари билан журналистларнинг навбатдаги учрашуви ўтказилди. Балоғатга етмаганлар ўртасида рўй бераётган қонунбузарликлар ва уларнинг сабаблари мулоқот мавзуи бўлди.

Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш Бошқармаси бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги О. Корастелов ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг аҳволи ва унга қарши олиб борилаётган тадбирлар хусусида гапирди. Шунингдек, у журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Жумҳурият Ички ишлар вазирлиги сиёсий Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги В. Мурашов журналистларнинг бир гуруҳига вазирликнинг дипломлари ва қимматбаҳо совғаларини топширди.

Фан, мактаб ва ўқув юртлари бўлими почтасидан

Яхшидан ном қолади

Мактабимиз ноҳиядаги йирик билим даргоҳларидан бири. У олтмишинчи йиллардан буён фаолият кўрсатмоқда. Куни-кеча биз ўқувчилар мактабимиз тарихига оид қизиқ бир маълумотни билиб олдик. Илм масканимиздаги боғни ҳамқишлоғимиз, ажойиб инсон Жониқул ота Алимов барпо этган эканлар. Боғдаги турли хил мевалар қишлоқ аҳолиси, мактаб жамоаси дастурхонини безаган. Миллий анъаналарга кўра ҳар йили боғ сайли бўлиб, унинг соя-салқин дарахтлари остида мириқиб ҳордиқ чиқарилган, байрам тантаналари ўтказилган.

Жониқул ота Алимов яратган боғ биз учун ёдгорлик, чунки бу отахон ҳозир орамизда йўқ, ҳаётдан кўз юмганлар. Уларнинг вафотидан кейин боғдан файз, тароват кўтарилди. Кўп мевали дарахтлар қуриб, кесиб ташланди. Бироқ уларнинг ўрнига кўчатлар экиб, парваришлаш эътибордан четда қолди.

Яқинда мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари шу мевали боғни ўз оталиғига олиб, қайта ҳаёт бағишлашга астойдил киришдилар. Боғ синфлар ўртасида тенг тақсимланди. Анор, анжирдан тортиб турли мевали дарахт кўчатлари, анвойи гул кўчатлари режаси тузилиб, иш бошлаб юборилди.

Ота-боболаримизнинг «Яхшидан ном қолади» деган ўгитига амал қилиб, биз мактаб боғини Жониқул ота Алимов номи билан аташга қарор қилдик. Бизнинг бу хайрли ишимиз ота-оналаримизга, қишлоғимизнинг ёшу кексаларига жуда маъқул тушди.

Шоҳиста БАҚОЖОНОВА,
Жиззах ноҳиясидаги Қодиржон Имомов номли мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Биринчи акс-садо

Менинг қуйида ёзмоқчи бўлган фикрим сизнинг рўзномангизда 7 апрель куни эълон қилинган «Талабалар учун икки миллиард» мақоласини ўқиганимдан сўнг туғилди. Албатта, бу яхши. Талабалар шароитини яхшилашнинг бир томони. У мақолада келгуси ўқув йилидан ҳамма қониқарли баҳо олган талабалар талабалар нафақаси билан таъминланади, талабаларнинг энг кам нафақаси 45 сўм бўлади, дейилган. Бу ғоя Бутуниттифоқ талабалар анжуманида ҳам илгари сурилган эди.

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Балким бу гапларим учун талабалар мендан хафа бўлишар. Ўқиш, билим олиш талабанинг асосий иши-ку. Қониқарли (3) баҳо билан қониқарсиз (2)нинг ораси қанча! Мен бу фикримни 20 йилдан зиёд вақтдан бери талабалар билан ишлаб, улар ҳаёти, дунёқараши, психологиясини озроқ бўлса-да, билганим учун ёзяпман.

Олий ўқув юртларини билмайману (ҳарқалай у жойларга билимли ёшлар борса керак) ўрта махсус билим юртларига келаётган ёшларнинг билим савияси жуда паст. Уларнинг кўпчилиги келгуси ишни эмас, балки билим юртида икки йил ўқишни бир амаллаб ўтказишни, талабалар нафақаси олишнигина ўйлашади. Демоқчиманки, талабалар нафақаси ўзига хос бир туртки. Агар бу бирдан бир туртки олиб ташланса, билмадим нима бўлади! Бу лоқайдлик, дангасалик, қолаверса, текинхўрликнинг илдиз отишига олиб келмайдими! Шунинг учун ҳар бир талаба яхши ва аъло ўқигани учунгина талабалар нафақаси олсин (етим-есирлар, ногирон, оилавий шароити ўта оғир бўлганлар бундан мустасно!).

Шу жойда яна бир муаммоли масалага тўхталишни лозим деб ўйлайман. Кейинги вақтларда билим юртларида кўпчилик фанлардан синовлар, ҳатто имтиҳонлар олиб ташланди. Фақат якуний баҳолар билан чегараланади. Бу менимча етук мутахассис бўлиб етишиш учун етарли эмас. Бу борада буюк саркарда Суворовнинг «Машқда қанча қийин бўлса, жангда шунча осон бўлади» деган сўзларини эслатиш жоиздир. Бир мисол. Медицина билим юртларида фармакология (дорилар тўғрисидаги фан) ўтилади. Илгари бу фандан имтиҳон бўлар эди. Ҳозир эса на синов, на имтиҳон бор. Ахир шифокор бир умр дорилар билан ишлайди. Бу соҳада мукаммал билимга эга бўлиш керак, бунинг учун эса қатъий талаб ва синовлар тўсиғидан ўтиш лозим.

Тошон МУҲАММАДОВ,
Каттақўрғон медицина билим юрти методисти.

Ким беллашади?

Мен, Ушинский мактабидаги, ноҳия кашшофлар уйига қарашли «Бичиш-тикиш» тўгараги раҳбариман. Қизларимиз бичиш-тикишни ўрганиш билан бир қаторда турли конкурсларга қатнашиб туришади. Яқинда биз раҳбарлар билан келишган ҳолда ноҳия мактабларидан бирортаси билан «Қувноқлар ва зукколар» конкурсини ўтказмоқчи бўлдик. Тадбирга ўқувчилар астойдил тайёрланишди. Мен ўзим ҳам улар билан гўё ипсиз боғланиб қолдим. Назаримда ҳавас қилгудек аҳил бир жамоа вужудга келганди.

Белгиланган муддат бўйича конкурс март ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилиши керак эди. Афсуски, кейин билсак, «Биз билан беллашадиган ўқувчилар бутун бир ноҳияда йўқ» экан. Қаерга бормай, кимга учрашмай, умидларим пучга чиқаверди. Баъзилар менга ажабланиб қарайди: «Нима бошқа ишинг йўқми?».

Ахир сир эмаску аксарият тўгаракларнинг номигагина ишлаши. Менга ҳам бир-икки «сув юқтирмас»лар сен ҳам шундай қилсанг бўлмайдими дейишди. Мен уларга аҳдим қатъийлигини айтдим. Агар конкурс ўтказилмаса, мен ҳам уларнинг ҳолига тушиб қолишдан қўрқаман.

Сўнгги умидим сендан азиз «Ёш ленинчи» менга ва жамоамизга ёрдам бер! Балки рўзнома саҳифаларида мактубим ёритилса, жумҳуриятимиз мактабларидан ўқувчилар топилар биз билан беллашгани. Жавобингни интизорлик билан кутиб қолувчи мухлисинг.

Зумрад УСМОНОВА.
Қашқадарё вилоятининг Ульянов ноҳиясидаги «Қашқадарё» давлат хўжалиги Денов қишлоғи.

Рўзномага хат

Ҳурматли редакция, менинг ёшим 16 да, 11-синфда ўқийман. Бўш вақтимни кўпроқ расм чизиш билан ўтказаман. Мен одамлар портретини чизишни яхши кўраман.

Бизга ўқитувчилар В. И. Лениннинг расмини чизиш ман этилганлигини айтишди. Нега! Ростдан ҳам доҳий расмини чизиш мумкин эмасми! Жавобини кутаман.

Алишер ХУДОЁРОВ,
Фарғона вилоятининг Фарғона ноҳиясидаги Водил қишлоғи.

* * *

Шунингдек, қимматли вақтларини аямасдан рўзномамизга мактуб йўллаган барча муштарийларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

АДОҒИ ЙЎҚДИР

Демак, биз жамият тараққиёти ҳақида ўйлайдиган бўлсак, биринчи навбатда тарихда шахсларнинг ўрнини инкор этмаган ҳолда, улар йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларга сабаб бўлган ва нопок ишларга йўл берадиган тузумнинг ўзини таҳлил этишимиз, лозим бўлса уни тузатишимиз керак.

Ҳа, бизга кўп ташвиш ва маломатлар келтирган турғунлик даври барча соҳаларда, жумладан илмда ҳам ўз асоратларини қолдирди. Лекин, илмга интилиш шукрки, урфга айланмади. Илмга юрагида ўти бор, шунга чанқоқ, ҳаракатчан кишилар интилди.

Дорилфунунни ўзбеклар орасидан биринчилар қатори битириб чиққан кўплаб зиёлилар юрагида катта орзулар билан шу даргоҳда таҳсил кўрган эди. Натижада жумҳуриятимиздагина эмас, мамлакат миқёсида таниқли олимлар бўлиб етишишди.

Масалан, мен дорилфунунга 1946 йилда кирганман. Группамизда 13 киши бор эди. Улардан икки киши кейинчалик академик бўлди, кўплари фан докторлари, номзодлари бўлишди. Нима, бу тасодифми? Йўқ, албатта. Интилиш бор жойда, натижа ҳам бўлади. Биз ўқиган даврларда шароит жуда оғир эди. Ётоқхоналарда ўрин ҳам кам эди. Ошхонада 20 та талонни кесиб олиб, битта косада карам шўрва беришарди. Нонни ҳам қадоқлаб, граммлаб оларди. Кийдиган яхши кийимимиз ҳам йўқ эди. Лекин бу қийинчилик, муҳтожлик илмга бўлган интилишимизни сўндирмади. Демократиямани, фан кун кўриш йўли деб, институтга билим олсам кунни яхши ўтади, деб ўйлаган одам фанга ҳисса қўша олмайди. Чунки илм қобилиятни, истеъдодни ёқтиради. Ҳамма олий ўқув юртига кириши мумкин, лекин ҳамма ҳам олим бўлавермайди.

Олий таълимни ривожлантириш қайта қуришнинг энг катта шартларидан биридир. Энди биз сон учун курашмаслигимиз керак. Шу пайтгача ўз-ўзимизни алдаб келганимиз етар. Америкада шунча врач бор, бизда шунча врач, Америкада шунча муҳандис, деб келдик. Беихтиёр савол туғилади: шундай экан, нега биз эмас, улар олдинлаб кетишди? Гап шундаки, илмий-техника ва маънавий тараққиёт масаласини дипломлиларнинг сони эмас, сифати белгилайди. Шунинг учун биз ёшларни олий ўқув юртларига жалб қилишда, энг аввало, уларнинг сифатига эътибор беришимиз лозим бўлади. Оз бўлса ҳам, соз бўлсин. Мутахассислар сон жиҳатидан озчиликни ташкил этса-да, иш бароридан одамлардан иборат бўлсин.

Шу йўналишда дорилфунунда бир қатор амалий ишлар қилинди. Бу йилдан бошлаб ҳуқуқшунослик, шарқ ҳамда тарих куллиётларига тайёрлов курсларини ёпдик. Чунки тайёрлов курси ўқишга киришнинг осон йўли бўлиб қолди. Агар замин бўлмаса, икки-уч ой тайёрлаган билан ўқувчи етилиб қолмайди. Таълим ишлари камчилик ва нуқсонлар билан олиб борилаётган қишлоқ мактабларидан келган йигит-қизларни физика, химия, математика бўйича тайёрлаш, бу бошқа масала.

Энг муҳими, мутахассислар тайёрлашнинг анъанавий шаклларидан воз кечадиган пайт келди. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, мутахассисларни шу кеча-кундузнигина ўйлаб эмас, келажакни ўйлаб тайёрлашимиз керак. Аммо кадр тайёрлаш борасидаги ишларимизда ҳануз кечаги мезон турибди. Бу борада кўпроқ келажак ҳақида ўйлашимиз керак. Беш-ўн йилдан кейин қандай фанлар тараққий этади, қайси соҳалар ривожланади, мана шулар ҳақида имкониятни қўлдан бой бермай эртага эмас, бугун ўйлашимиз лозим. Ана шу мақсадга қаратилган режаларга бугун қозиқ қоқиб қўйишимиз, бинобарин, қандай ихтисослар бўйича кадрлар тайёрлаш масаласи юқоридан белгилаб берилишига чек қўйилиши, бу имкон ўзимизга берилиши керак.

— Табиий фанлар куллиётида «Ўзбекистон тарихи» факультатив тарзда ўқитила бошлангани жуда ибратли иш бўлибди. Лекин унга ажратилган 24 соат камлик қилмайдими!

— Ҳар бир миллат ўз тарихини билиши керак. Миллатки ўз тарихини билмас экан, унинг келажаги қоронғудир. Таассуфки, биз шундай хатар остида яшаётганимизни яқин-яқингача билмадик. Билишга интилганларимизнинг ҳам оғзига уриб туришди. Ўзлигимизни англашга бўлган ҳар бир уриниш ғаламислик, байналмилалликнинг илдизига урилган болта, деб баҳоланди. Сал қолдики, тарихимиз унут бўлаёзди.

Мактабда бизга ўқитишгани ва бугун болаларимиз ҳам ўқиётган СССР тарихи мамлакатимиздаги барча халқларнинг эмас, балки Россия, рус тарихи эканлигини мана энди юрак ютиб айта оладиган бўлдик. Чунки бу дарсликда боярлар системаси ва князь Игорь тўғрисида боб-боб нарсалар битилгану, лекин негадир қадимги Хоразм давлати ёки бўлмаса кўҳна Суғдиёна, Бақтрия... ҳоказо маданиятлар тўғрисида эсда қоладиган бирор воқеа ёритилмаган. Шунинг учун биз Ўзбекистон тарихини чуқур илмий асосда ёзишга ҳаракат қиляпмиз. Олимларни жалб этяпмиз. Ўзбекистон тарихини нафақат гуманитар куллиётларда, балки ҳамма ерда ўқитиш керак. Бизда ҳали тарихимиз ҳақидаги тўла тасаввуримиз ўзи йўқ. Шу пайтгача тарихимизни валюнтаризм ва лавозимдор шахсларнинг фикрлари, ёки бўлмаса юқори органларнинг учалик ҳам ишончли бўлмаган қарорлари теграсида талқин этиб келинди. Ваҳоланки, қарор билан тарихни яхшилаб ҳам, ёмонлаб ҳам бўлмайди. Тарих — тарихлигича қолаверади. Лекин тарихга қайд этиб ўтганимиз сингари муносабатда бўлиш унинг кўпгина нозик томонларини «фаромуш» этишга, тарихий воқеликларни бузишга олиб келади.

Масалан, Темур ва темурийлар даврини олиб кўрайлик. Биз бу давр ҳақида нима биламиз? Деярли ҳеч нарса. Темур шахсига берилган баҳо ҳам сохталикка, бирёқламаликка намуна. Биз Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий-иқтисодий ҳаёт, маданият ҳақида жуда кам нарса биламиз.

Мозийгина эмас, нисбатан бизга яқин бўлган тарих — Ўрта Осиёнинг Россия томонидан маҳв этилиш масаласига ҳам ҳали тўла ойдинлик киритилгани йўқ. Биз қанча бўйин товламайлик, бу воқеани Ленин жуда боплаб таърифлаган. У Россиянинг мустамлакачилик кирдикорларини ҳеч кимда шубҳа қолдирмайдиган қилиб очиб ташлаган эди. Англия Ҳиндистонни қандай ниятлар билан босиб олган бўлса, Россия ҳам Ўрта Осиёни шундай ниятлар билан бўйсундирган эди.

Миллий озодлик ҳаракатларини ҳам ўрганишимиз керак. Негаки, миллий озодлик ҳаракати миллий зулм бўлган жойда дунёга келади. Лекин бу курашнинг шакл-шамойили, кураш иштирокчиларининг ғоялари ҳар хил бўлиши мумкин. Бири феодализмга қайтишни талаб қилиши, яна бири миллий давлат ташкил этиш учун тарафдорлар тўплаши мумкин, лекин шаклидаги тафовутлардан қатъи назар мустамлакачилик зулмига қарши бўлган ҳаракат табиатан миллий озодлик ҳаракатидир. Бу ҳаракатни айрим шахсларнинг кирдикори эмас, мамлакатда юзага келган вазият туғдирганини инкор этиш мумкинми, ахир.

Ўзбекистонда Октябрь инқилоби ҳақида ҳам, социалистик қурилиш ҳақида ҳам жуда чалкаш фикрлар бор ҳали. Бу ерда ҳам биз тарих ҳақиқатини тиклаганимиз йўқ.

Тарих — сиёсат эмас. Сиёсатга бўйсундирилган тарихнинг ҳақиқий тарихга ҳеч бир алоқаси йўқ. Тарих, биз унга қай томондан қарамайлик, тарихлигича қолаверади. Зеро, тарих ҳақиқатини муайян даврдаги сиёсат эмас, тарихий жараёнда юз берган воқеаларнинг ўзи белгилаши лозим. Биз ҳали журъат этиб бу юмушни қилолганимиз йўқ. Олимларимиз ҳам бутун тарих олдидаги муаммоларни холис, объектив, илмий асосда кўриб чиқиши учун ҳали шароит тўла етилгани йўқ. Лекин эртами-кечми, биз бу ҳақиқатни англаб етамиз. Ана шундагина тарихчиларимиз она Ўзбекистонимиз тарихининг холис ва ҳалол ёритилган дурдонасини фахр ила ўз ўқувчиларга тақдим этадилар.

Энди бевосита саволга қайтсак: ҳақиқатан ҳам «Ўзбекистон тарихи» учун ажратилган соатлар жуда кам. Эҳтимол, баъзи куллиётларда умумий таҳлил тариқасида 24 соат кифоядир. Лекин имкон борича ҳамма жойларда «Ўзбекистон тарихи»ни чуқур ўрганишни йўлга қўйишимиз керак. Халқимиз ўз бошидан кечирган яхши-ёмон кунларни билмайдиган бирорта талаба олий даргоҳдан чиқиб кетиши мумкин эмас.

— Жумҳуриятимиздаги қарийб барча олий ўқув юртларининг онаси — дорилфунун. ТошПИ ҳам, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти ҳам, Тўқимачилик институти ҳам... шу онадан таваллуд топган. Гап-сўзларга қараганда, «Қаҳрамон она» яна бир фарзандга «боши қоронғу» эмиш. Шарқ куллиёти алоҳида институтга айлантирилиши ростми!

— Ҳадемай Шарқ куллиёти замирида «Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти ва тиллари» деган институт ташкил топади. Институтда учта куллиёт бўлади. Биз шу пайтгача чет тилларни ўрганишда ҳам бир ёқламаликка йўл қўйдик. Инглиз, француз, немис, испан тилларидан бошқасини билмадик. Араб тили-чи, форс тили-чи, деб сўрайдиган одам топилмади. Хитой тили, япон тили тўғрисида илмий доиралар ўртасидагина гап борди. Шунда ҳам кўпроқ бирор анжуман муносабати билан. Ваҳоланки минг йиллар муқаддам бу мамлакатлар билан тарихан яқин алоқада бўлганмиз. Нега энди ҳозир — қайта қуриш шарофати билан мафкуравий тўсиқлар олиб ташланаётган паллада биз бир четда томошабин бўлиб қолишимиз керак. Мана бу йил араб тили группасини кучайтиряпмиз. Юздан зиёд талаба қабул қилишни мўлжаллаб турибмиз. Бундан ташқари, япон ва хитой тилларини ўрганишга ҳам катта эътибор берилади.

Шарқ мамлакатларида ишлайдиган дипломатлар, иқтисодчиларни тайёрлаш борасида ҳам режаларимиз катта. Чунки ҳозир хорижий мамлакатлар билан мустақил иқтисодий алоқаларга ўтяпмизу, лекин бу ишни қойилмақом қилиб бажарадиган мутахассислар Ўзбекистонда йўқ даражада, эканлигини афсус билан тан олишга мажбурмиз. Жаҳондаги нарх-наво, талаб-эҳтиёж коньюктурасини билмаган вакилларимиз бир фирмадан, дейлик, юз доллар олиб келса, дўппини осмонга отгудек бўляпмиз. Эҳтимол, ишнинг кўзини биладиган вакил юборганимизда, юз доллар эмас, ўн минг доллар олиб келиши мумкинлигини хаёлимизга ҳам келтирмаяпмиз. Тажриба шуни кўрсатдики, биз хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий алоқалар борасида бутунлай саводсиз эканмиз.

Ўзбекистон ҳадемай иқтисодий мустақилликка эришади. Аста-секин сиёсий мустақиллик томон қадам ташлаб борамиз. Зеро, иқтисодий пойдеворни мустаҳкамламай туриб, сиёсий мустақиллик тўғрисида орзу қилмаса ҳам бўлади. Шунинг учун бизга мутахассислар керак, хорижий мамлакатларга юборишимиз учун дипломатлар керак. Илгари дипломатия ишига ишдан бўшаганларни юборишарди. Лекин дипломатия жазо эмас, бу касб. Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатадиган, бунинг нозик томонларини пухта эгаллаган, сиёсий муаммоларни тушунадиган мутахассисларни тайёрлашга дилда олам-олам қувонч билан киришмоқдамиз. Чунки бу тадбир бевосита Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилади. Келгуси йилдан ана шу мақсад йўлида алоҳида куллиёт ташкил этилади.

Янги институт ўз фаолиятини дорилфунун тасарруфидан чиқмаган ҳолда олиб боради. Тошкент дорилфунуни куллиётлар йиғиндисидан иборат бўлибгина қолмай, яқин келгусида институтлар йиғиндисидан ҳам иборат бўлади.

— Бошқариб турилувчи бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан аҳоли кўрадиган зарарни қоплаш учун қатор тўловлар эълон қилинди. Жумладан, талабалар стипендиясига қўшимча 35 сўм белгиланди. СССР халқ депутати сифатида айтинг-чи, шундоқ ҳам қашшоқ ҳаёт кечираётган талабалар янада ёмонроқ яшашмайдими!

— Ҳукуматимиз бошлиғининг «Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирлари тўғрисида» қилган докладий, айтиш мумкинки, яқин икки йилдан бери гап-сўзлардангина иборат бўлиб турган муаммоли пуфакни сув юзасига олиб чиқди. Савол туғилади: аҳолисининг 45 фоизи қашшоқлик ҳолатида яшаётган Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиши мумкинми? Ҳозирги аҳволда мутлақо мумкин эмас.

Жумҳуриятимиз учун бозор иқтисодиётига ўтиш — ҳаётий масала. Буни шошма-шошарлик билан ҳал этиб бўлмайди. Яқинда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашида шу масалага бағишланган йиғилишда жумҳуриятимиз президенти ҳам, даставвал Ўзбекистон учун хос бўлган муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқиш лозимлигини таъкидлади. Чунки, оқибати нима билан тугаши номаълум бўлган бозор иқтисодиётига ўтамиз деб, кунини зўрға ўтказаётган ночор кишиларнинг аҳволини янада ночор қилиб қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Хусусан, талабалар стипендиясига 35 сўм қўшиб берилишини мен етарли, деб ҳисобламайман. Нарх-наво икки марта ошади, дейишяпти. Дўконларда сотадиган нарсанинг ўзи йўқ бўлса-ю, бу гапга ишониш мумкинми? Аввал иқтисодиётни оёққа турғазиб олиб, аҳоли истеъмол қиладиган нарсаларни кўпайтириб қўйиб, ана ундан кейин бозор иқтисодиётига ўтиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг шундай йўлларини ахтариш керакки, бундан халқ манфаатдор бўлсин. Шундай қилмас эканмиз, яна бир хатога йўл қўйиб, халқнинг норозилигига сабаб бўламиз.

— Яқинда дорилфунунда Сирожиддинов мактабидан баҳраманд бўлган математик олимлар марҳум академикни хотирлаб, Сирожиддинов кунларини ўтказишди. Афсуски, Саъди Ҳасанович каби ўз мактабини яратган устозлар бизда кўп эмас.

— Ҳа, таниқли олимимизнинг етмиш йиллиги кунини кенг нишонладик. Қайғу билан, афсус — надоматлар билан. Сирожиддинов яна кўп яшаши мумкин эди, ҳали бақувват эди. Турғунлик давридан кейин келган қирғинлик даврининг қурбони бўлиб кетди. Ноҳақ таъналар, ўринсиз ҳақоратлар олим саломатлигини издан чиқарди. Биз олимларни тарбиялаш қанчалар машаққатли эканлигини биламизу, уларни авайлаш, сақлашга келганда боқиб беғам бўлиб оламиз. Ўзбекистондаги жуда кўп зиёлилар ана шундай ваҳшийликнинг қурбони бўлганлиги етмасмиди?

Сирожиддинов каби мактаб яратган олимлар жумҳуриятимизда кўп эмас. Бармоқ билан санарли улар. Чунки мактаб яратишнинг ўзи бўлмайди. Мактаб яратиш, бу ўз соҳасини мукаммал эгаллашгина эмас, балки янги, ҳали ҳеч ким «маза»сини тотиб кўрмаган кашфиётга ошно бўлиш, демакдир.

Ҳақиқий олимлар табиатан жуда камтар бўлишади. Сирожиддинов ҳам ниҳоятда камтар, олижаноб инсон эди. Шуниси қизиқки, олижаноб инсонлар ўзларидаги бу хислатни билмайдилар ҳам. Мен олижаноб олимман, деган одам янглишади. Ўзининг қадрини билмаган одамгина шундай манмансираши мумкин.

Ҳаёт бир ерда тўхтаб турмайди. Ўсиб ривожланиш, тараққиёт давом этаверади. Энг муҳими, истеъдодларни вақтида аниқлаш. Уларнинг камол топиши учун имкон яратиш. Бу ёғи унинг ўзига боғлиқ. Шахсан мен Ўзбекистонда ўз мактабини яратишга қодир инсонлар яшаб турганига жуда ишонаман. Ҳатто талабаларимиз орасида янги Сирожиддиновлар, Ҳабиб Абдуллаевлар, Ғани Мавлоновлар, Обид Содиқовларни кўраётгандек бўламан...

— Ўрта аср жаҳолатини эшитганимизда бош чайқаймиз. Ўзимиз-чи! Темур даврида кутубхона олтин жавоҳирларга тўла хазина баробарида қўриқланган. Бизда-чи! 1714 йилда асос солинган, 12 миллион 400 минг китобдан иборат фондга эга бўлган Ленинграддаги Фанлар академияси кутубхонасига ўтган йили ўт кетди. Бу ҳол бизда, хусусан, эътибордан четда қолган дорилфунун кутубхонасида юз бермаслигига ким кафолат бера олади! Фонди нуқтаи назаридан жумҳуриятимизда нуфузли саналувчи машҳур кутубхонадаги нодир китобларнинг заҳ босиб ётгани, ўқув хоналарининг торлиги, шарт-шароитларининг талаб даражасида эмаслиги кишини ўйга толдиради. Кутубхонага бўлган муносабатни ўзгартирмай туриб, талабаларда илм билан машғул бўлишга иштиёқни уйғотиб бўладими, ахир!

— Ҳақиқатан ҳам сўнгги вақтларда китоб масканларига эътибор бермай қўйдик. Кутубхона халқнинг маданиятлилик даражасини ифодаловчи ўзига хос барометр эканлигини унутдик. Гап кутубхонанинг сонида эмас, ундан фойдаланишда. Мана мен Болтиқбўйи жумҳуриятларида, хорижда бир неча бор бўлганман. У ерларда кутубхонага муносабат бутунлай бошқача. Қироатхонадан бўш жой тополмайсиз. Талабалар дарсдан чиқибоқ, ўзларини кутубхонага уришади.

Бизда-чи? Талабаларимиз мендан хафа бўлишмасину, уларда мутолаа маданияти шаклланмаган. Кутубхонага имтиҳон пайтларида, шунда ҳам бирор адабиётни қидириб қадам ранжида қилишади. Бирор бир жаридани варақлаб, уларда чоп этилган фан-техника янгиликларига хаёли учиб ўтирган одамни учратиш қийин. Биз хорижий мамлакатлардан валюта сарфлаб олганимиз жаридаларнинг кўпчилиги ҳатто варақланмаганини кўриб, хунобинг ошиб кетади беихтиёр.

Келаси йилдан дорилфунуннинг янги кутубхонасини қура бошлаймиз. У бизга 9 миллионга тушади. Лекин бу ҳаракатлар самарасиз бўлмаса эди, деб қўрқаман. Ахир яратиб қўйганимиз кошонага ҳеч ким кирмаса, бундан нима фойда? Шунинг учун мен ўйлайманки, кутубхона қуриш ўз йўлигаю, талабаларда китобга муҳаббат уйғотиш ўз йўлига. Бу масалада ҳали кўп бош қотиришимизга тўғри келади.

— Етмиш йиллик тўйга тайёргарлик қандай боряпти ва у дорилфунун ҳаётида муҳим воқеа, янги сифат ўзгариши учун навбатдаги босқичнинг дебочаси бўлишига ишонасизми!


— Дорилфунунимизнинг Ўрта Осиёда тутган ўрнини, мавқеини нафақат мамлакатимизда, кўпгина қитъаларда ҳам билишади. Шунинг учун тўйимизнинг анчагина тантанавор ўтиши кутилмоқда. Ҳозир қизғин тайёргарлик боряпти. Бу масалада ҳукуматимиз зарур бўлган ёрдамни аямаётир.

Лекин биз тўй тантаналар тўғрисида эмас, ундан кейин, меҳмонлар тарқаб, тўйхонада ўзимиз қолгач, нималар қилишимиз лозимлиги ҳақида кўпроқ бош қотиряпмиз. Назаримда, ўқув жараёнини тубдан ўзгартириш, талабаларнинг илм олишга бўлган муносабатини ҳар жиҳатдан яхшилаш зарурга ўхшайди. Бунинг учун тарбиявий ишларни йўлга қўйишга тўғри келади ва ниҳоят дорилфунун жумҳуриятда, қолаверса, мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиши учун қатор чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак.

Хуллас, юбилей биз учун байрамгина эмас, истиқбол режаларини белгилаб олиш ҳамдир. Истиқбол режаларимизнинг эса, адоғи йўқдир.

Зайниддин РИХСИЕВ суҳбатлашди.

Хориждан хабарлар



Мозамбик давлати аҳолисини неча йиллардан буён давом этиб келаётган уруш, очарчилик, иқтисодий танглик тинкасини қуритиб юборди. Ҳозир дунёдаги барча тараққийпарвар кучлар, халқаро ташкилотлар бу мамлакатга моддий ёрдам қўлини чўзмоқда.

Суратдаги болакай Замбезия вилоятидан. У икки йил давомида асирликнинг барча азоб-уқубатларини тортди. Мозамбикликлар бошидан кечаётган ташвишли кунлар ҳаливери тугаши қийин.

(ТАСС сурати).

Жаҳон анжумани тугади

ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС мухбири). Бу ерда ёшлар ва талабаларнинг иккинчи жаҳон анжумани Вашингтондаги олий даражадаги учрашув иштирокчиларига мурожаатнома қабул қилиш билан тугади. Анжуман Финляндия ёшлар ташкилотлари миллий қўмитасининг ташаббуси билан чақирилган эди. Унинг қатнашчилари М. Горбачевга ва Ж. Бушга музокараларда мумкин қадар кўпроқ муваффақиятга эришишларини тиладилар.

Кейинги йилларда Совет — Америка муносабатларида эришилган силжиш, дейилади ҳужжатда, умумий мақсадлар сари биргаликда боришга қатъий аҳд билан давлатлар қанчалик кўп ишларни амалга ошира олишларини кўрсатмоқда. Биз барча муаммолар юзасидан каттароқ силжишга эришилишидан, сизларнинг биргаликдаги ташаббусларингиз умумий хавфсизлик, тараққиёт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан самарали битимлар ишлаб чиқилишини тезлаштиришга хизмат қилишидан умидвормиз.

Айни шу муаммолар анжуманнинг ёшлар, талабалар, диний ташкилотлар, урушга қарши, хотин-қизлар ва экология ташкилотлари вакилларидан иборат иштирокчилари диққат-марказида бўлди. Айни пайтда Шарқий Европада юз бераётган жараёнларни муҳокама қилиш тўпланганларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди, ёшларнинг «Умумевропа хонадони»ни қуришдаги иштирокини кенгайтириш тўғрисида аниқ таклифлар киритилди. Учрашувнинг кўпгина қатнашчилари совет делегациясининг келаси йил сентябрь ойида Москвада инсонпарварлик масалалари, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Европадаги интеграция жараёнлари шароитида ёшлар ҳаракати мавзусига бағишланган ёшлар конференциясини ўтказиш тўғрисидаги таклифини ижобий баҳоладилар.

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ҲИММАТИ

Матбуот хабарларидан яқинда жумҳуриятимиз пойтахтида Япониянинг Фукусима префекториясидан 150 нафар меҳмон урушга қарши митингда иштирок этиш ҳамда Якка сарой қабристонида дафн этилган япон ҳарбий асирларига ёдгорлик очилишида қатнашиш учун ташриф буюришганидан бохабар бўлгандирсиз.

Япон дўстларимиз жумҳуриятимиздан жўнаб кетиш арафасида эзгу хайрия ишга қўл урдилар. Улар биродарлигимиз рамзи сифатида ўн минг дона ўзлари келтирган, фақат бир бор ишлатиладиган дориналарни Тошкентдаги шифохоналардан бирига топшириш истагини билдиришди. Меҳмонларнинг бу эзгу нияти куни кеча амалга оширилди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари пойтахтнинг Куйбишев ноҳиясидаги 5-болалар шифохонасига ана шу хайрия дориналарини топширишди.

Бир бор ишлатиладиган дориналарнинг бир қисми Тошкентдаги онкология шифохонаси ихтиёрига ҳам берилади. Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунида япон дўстларимиз ҳиммати эвазига келтирилган дориналар топширилиши, инсонпарварлик, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик туйғусининг амалдаги тантанаси бўлди.

К. АЛИЕВА.



Сиёб ноҳиясида истиқомат қилаётган Зебунисо опа Нажмиддинова Самарқанд вилоятида биринчилардан бўлиб оилавий болалар боғчасини очди. Унинг боғчасига 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган ўн нафар кичкинтойлар қатнамоқда. Бу ерга баъзи болалар боғчаларида бўлганидек, жажжилар эрталаблари хархаша қилмасдан боришади. Болалар эса опанинг жонудили. У киши 25 йилдан ошиқ мактабгача тарбия муассасаларида ишлаган, бой педагогик тажрибага эга. Олти нафар боланинг онаси.

Зебунисо опанинг уйидаги тарбия маскани 67-болалар боғчасининг бир бўлагидир. Зарур жиҳозлар, ўйинчоқлар, турли методик қўлланмалар ҳам боғчадан олиб келинди. Опанинг боғчаси ташқи муҳитдан ажралиб қолган эмас. Бу ерга ҳар куни кичкинтойларни кўрикдан ўтказиш учун шифокорлар келиб туради. Педагоглар ҳам ташриф буюради.

Самарқанддаги оилавий боғчаларни кўпайтириш чора-тадбирлари кўриб чиқилмоқда. Ҳозирча бундай масканлар борйўғи учта. Янги қад ростлаётган кичик ноҳиялар, даҳаларда ҳам шундай боғчалар қуриш йўллари қидирилапти. Бу эса ҳозирда мавжуд бўлган яна бир муҳим муаммонинг ўз ечимини топишига улкан ҳисса бўлиб қўшилларди.

СУРАТДА: тарбияланувчилар Зебунисо опанинг оилавий боғчасида машғулот ўтишмоқда.

Суратчаш Р. ГОФУРОВ (ЎзТАГ).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ПАРРАКЛИ СОЯБОН

● МАЪЛУМКИ, айрим ихтироларга юқори ташкилотлар умуман эътиборсизлик билан қарашади. Уларга «юққан» дард бу. Лекин бунга қарши ўлароқ яхши ихтиро ўз-ўзидан тезда оммавийлашиб кетади.

Буюк Британияда ихтиро қилинган ёзги соябонга ҳам худди шундай муносабатда бўлинди. «Юқоридагилар» мамлакат об-ҳавоси ёғин-сочинли эканлигини рўкач қилиб, аввал ихтиро устидан кулишди, сўнг эса... Ҳозирги кунда бу янгилик энг яхши дўконларда сотилмоқда.

Соябоннинг афзал томони шундаки, унинг парраги бор. У одам юзига енгил шабада ҳадя этади. Паррак ўзига керакли электр қувватини қуёш нуридан олади. Демак, ёғин-сочинли кунларда паррак табиийки, ўз-ўзидан ишламайди, деб хабар беради «Умшау» (ГФР) жаридаси.

АХЛАТ ТЕПАЛАР КЎРИГИ

● АМЕРИКАНИНГ Моаб шаҳри (Юта штати) раҳбарлари ўз юртларига саёҳатчиларни жалб этиш учун антиқа усулни қўллашди: уларда ахлат уюмлари ўзига хос йўсинда экан, шунинг учун ахлат тепаларни рўзнома саҳифаларида реклама қила бошлашди ва бошқа шаҳарларни ҳам бу мусобақада қатнашишга чақирди.

Бироқ ташаббускор шаҳарга ғолиблик насиб этмади, ғолибликни Кадьяк (Аляска штати) шаҳри илиб кетди. Аммо Моабда ахлат тепалар «куни» ташкил қилинди. «Интернэшнл уайлдлайф» жаридасининг ёзишича, эндиликда бу шаҳардаги «машҳур ахлаттепалар»ни кўриш учун саёҳатчилар сувдек оқиб келмоқда.

РЕКОРД ОҒИРЛИКДАГИ ЎСИМТА

● ЖЕКСОНВИЛЛ шаҳридаги (Флорида штати) касалхоналардан бирига 47 ёшли кўп болали она Сэнди Каронни олиб келишганда (кўкрак қисмида кучли оғриқ бор эди) табиблар «инфаркт» бўлса керак, деб ўйлашди. Лекин кардиограмма унда инфаркт белгилари йўқлигини кўрсатди.

Кейин маълум бўлишича, беморнинг қорин бўшлиғида безарар ўсимта пайдо бўлган экан. Табиблар бу ўсимтани операция йўли билан кесиб олиб, тортиб кўришганда унинг оғирлиги 29 килограмм чиқди. Кароннинг операциядан кейинги мутаносиб оғирлиги 90 килограммни ташкил этди (аввал 160 килограмм эди).


Бундай ўсимта «Гиннеснинг рекодлар китобида аввал ҳам қайд қилинган. У 1905 йил Техаслик киши қорнидан «топилган». Унинг оғирлиги 149 килограммни ташкил этган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

«Нишона»



Н. ЭРКАЕВ 1964 йилда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи ноҳиясида туғилган. 1988 йилда Низомий номидаги ТДПИнинг филология факультетини тугатди.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

ТУШ

Вакуум — мен турган
муаллақ,
Ўлимларга маҳкум —
ҳавосиз,
Ерга боқдим сўнг оҳ-ла
мутлақ,
Мунча пастлар нзғир
жазосиз.
Энг биринчи ва энг сўнгги
ўқ,
Нишон олиб отдим Ер
шарин.
Нега уни?.. Сўрма мендан,
йўқ,
Қотил бўлиб қолдим
яширин.
Замин қани, боқсам ўша
он
Бу дунёнинг ўзи йўқ эди.
Қани уйим, ул
Ўзбекистон,
О, отганим оддий ўқ эди.
Юзларида ўкинч, ғам —
алам,
Онам пайдо бўлди,
эслайман.
— Шуми эди кутганим,
болам, —
Шундай садо келди,
эслайман.
Вакуумда қолди-ку хоким,
Кўкрагимга қадалди пичоқ,
Бош устимда бир
Онажоним,
Кўмай деса йўқ сиқим
тупроқ.

ДЕНГИЗНИНГ ДАРДИ

Телба довул ҳайқириб
келур,
У беҳуда ўзини қийнар.
Сувда қонга урилиб ўлур,
Яна қайта тирилиб ўйнар.
Довул,
Довул...
Саноқ етмади.

Бари дард-ла олиб кетди
бош.
Сен отган тош нечун
кетмади?
Ҳамон ичда ўша машъум
тош.

СОЯ

То офтоб фалакда шеърин тўқиди,
Далани юз марта айландим, илло,
Ҳар гал дил соямдан рўё ўқиди.
Ҳол кетиб, ким дедим, ул вужудсиз
лош?
Балки, шоир Нашъа* қотилидир бу,
Мени хиёнатга ундар шу нафас?
Тупроққа беланиб эргашади у,
Бошдан — оёқ қора илтижо, холос.

Балки, у қадимий юлғич, бенаво,
Соя солиб ўтган, халқнинг бошига?
Товонимдан чиққан қоп-қора нидо
Бўлиб, юлғичликдан сўйлар қошимда.
Бас, энди кетинг, эй, машъум хаёллар,
Қадим разилларнинг қора арвоҳи.
Шусиз йўлдан тойди не эр — аёллар,
Сўнгра қалбин тутди пушаймон, оҳи.
Лекин зинҳор демам, Қуёш гуноҳкор
Айблардан ранг олган шу соям учун.
Ахир ким айтолар, Замин сабабкор
Дунёдаги пастлик, кажликка бутун.
Демак, шарт мен ўзни айбдор демоғим,
Ўз соямчун, ҳукмдан ёрилма юрак.
Ўзни пок демоқчун ерга кирмоғим
Ё Қуёшдан юксак учмоғим керак.

Нормўмин ЭРКАЕВ.

*Шоир Нашъа — Муҳаммад Солиҳ Самарқандий, Балхда яшаган, XVII асрнинг охирларида Лоҳур шаҳрида ўлдирилган.

АҲМАД ДОНИШ ИЗИДАН

Бухорога борганимда бир хабарни эшитдим. Бухоролик бир гуруҳ кишилар шоир ва олим, ҳаттот ва элчи Аҳмад Дониш юрган жойлар бўйлаб сафарга отланишибди. А. Дониш юрган йўллар бўйлаб харита тузилган. Бу ташаббускор гуруҳга «Советская Бухара» рўзномасининг мухбири Асатилло ҚУДРАТОВ раҳбарлик қилади. Ташаббускор гуруҳ шу йилнинг июнь ойида сафарга чиқади.

— Асатилло, бу ташаббус ўз-ўзидан пайдо бўлмагандир?

— Албатта. Сабаб бўлмаса оқибатни қайдан топурсан? Тўрт йил аввал Аҳмад Дониш ҳақида бир мақола ўқигандим. Ўша мақолани анча пайт унутолмай юрдим. 1987 йилда яна бир олимнинг чиқишини ўқидим-у, бир савол тинчлик бермай қўйди. «Биз ҳамюртимиз ҳақида нималарни биламиз?» Бу саволга кўнгилни тинчлантирувчи жавоб тополмадим. Чунки биз нафақат Аҳмад Дониш, балки бошқа бухоролик буюк сиймолар ҳақида тўлиқ маълумотларга, тасаввурга эга эмасмиз. Қанчадан-қанча кишилар гурунгларда афсона бўлиб юришади. Ўша афсонавий воқеаларни ўз ҳаётига кўчирган инсонлар бўлганку. Улар кимлар? Жавоб бера олмаймиз. Ўз қондош-қариндошларимизни билмаслигимиз, тарихимиздан бебаҳралигимиз фожиа эканлигини энди англаб етгандаймиз.

Хуллас, Бухоро инқилобининг 70 йиллиги арафасида Бухоронинг атоқли фарзандлари изидан сафарга чиқмоқчимиз. Бунинг учун ташаббускор гуруҳ туздик.

— Улар кимлар?

— Гуруҳда 15 нафар киши бор. Улар — ёзувчи, журналист, мусаввир, тарихчи, шифокор, кинооператор... Хуллас, ҳар кимнинг ўз ўрни, бажаражак вазифаси бор. Ташаббускор гуруҳ аъзолари А. Дониш қадами теккан 25 та шаҳарда бўлишади. Ҳар бир шаҳарда А. Дониш кўчаси ёки кичикроқ музей ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Яна бир характерли томони шуки, ташаббускор гуруҳ аъзолари А. Дониш яшаган замон кишилари кийимида бўлишади.

— 25 шаҳарда бўламиз, дедингиз. Улар қайси шаҳарлар? Аҳмад Дониш юрган изини тасвирловчи харитани қаердан олдиларингиз?

— Тарихдан маълумки, Аҳмад Дониш харитадаги шаҳарларга уч марта — 1857, 1869, 1873 йилларда элчи бўлиб сафар қилган. У шаҳарлар — Самарқанд, Тошкент, Қизил Ўрда, Оренбург, Уфа, Нижний Новгород, (Горький), Арзамас, Самара (Куйбишев), Москва, Новгород, Санкт-Петербург (Ленинград)... Аҳмад Дониш ўзининг «Бухородан Петербургга саёҳат» китобида ўз сафарлари ҳақида ёзган. Душанбелик донишшунос олим Расул Ҳодизода Аҳмад Дониш ижоди билан 25 йил шуғулланган. Харитани ўша киши берди.

— Демак, мақсад Аҳмад Дониш ҳақида батафсилроқ маълумотлар тўплаш?

— Биласизми, Бухорода Аҳмад Дониш номли битта кинотеатр ва биргина кўча бор. Аҳмад Дониш мақбараси бўлган жойда бугунги кунда савдо техникуми жойлашган. Ўша мақбарани рамзий маънода тиклаб, Аҳмад Донишнинг ҳайкалини ўрнатиш лозим. Ҳеч бўлмаганда бир мактаб, янги қуриладиган шаҳарчага шоир номи берилсин. Бухорода таниқли бир кўча бор. У Пабло Неруда кўчаси. Уни энди тили чиққан бухоролик болакайлар ҳам билиши мумкин. Аввало ўз кишиларимизни қадрласак, авайласаккина бошқаларга ҳам ўшандай ҳиммат кўрсата оламиз.

Сафардан қайтиб келгандан кейин биринчи бўлиб шаҳримизда музей ташкил этамиз. Шунинг учун рўзнома орқали барча бухороликларга мурожаат қилдик. Аҳмад Дониш ҳақида билган, бирор асарини сақлаб қолган ё у ҳақда эшитган, кўрган кишиларни бизга мурожаат қилишларини сўрадик.

— Рўзномаларингизда мақола эълон қилинганига ҳам анча пайт бўлибди. Бирор натижа борми?


— Куни кеча Шофиркон ноҳиясига бордим. Ф. Хўжаев жамоа хўжалигидаги Сугут қишлоғида А. Дониш келиб юрган бир хонадонни топдик. Уй эгаси, Аҳмад Донишнинг дўсти — Мирҳикмат Махсум тегирмончи бўлган экан. Ўшанда ҳам бор бўлган тут дарахти ҳозиргача сақланиб қолибди. Тут икки деворнинг орасида сақланиб қолган. Одамларнинг айтишларича, уй деворларига Аҳмад Дониш 5 байт ашъор битган экан. Лекин тут дарахтини сақлаб қолиш учун у девор қулатилган экан. Ўйлаймизки, бунга ўхшаш воқеалар, далилларга ҳали кўплаб дуч келамиз.

— Демак, гуруҳ сафарга тайёр?

— Тўғри. Лекин ташаббускор гуруҳни бир муаммо иккилантириб турибди. 25 шаҳарни гоҳ автобус, гоҳ пиёда айланиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Анчагина маблағ керак. Агар ушбу хайрли ишга ўз моддий кўмаклари билан хайрихоҳ бўлувчи инсонлар, ташкилотлар бўлса, бағоят хурсанд бўлардик. Саховотли кишиларнинг «Советская Бухара» рўзномасига мурожаат қилишларини сўрардик.

— Сафарларингиз қизиқарли маълумотларга бой ва бехатар бўлсин.

Суҳбатдош: Гули ЧЕҲРА, «Ёш ленинчи» мухбири.



Чертсам яйрар кўнглим, менинг дуторим...

Суратчи: У. ҚЎШВОҚОВ.

«Кишту мот» клуби

Дастлабки сабоқ

Ленин ёшларни тарбиялаш юзасидан Клара Цеткин билан суҳбатлашганида шундай деган эди: «Ёшлар учун, айниқса, хушчақчақ ва тетик бўлиш зарурдир. Соғлом спорт-гимнастика, сувда сузиш, сайрлар, турли-туман жисмоний машқлар, ҳар хил маънавий қизиқишлар, ўқиш-ўрганиш ва ҳоказолар имкониятн борича биргаликда қўшиб олиб борилмоғи керак».

Шахмат Ватанларидан бири ҳисобланувчи бизнинг жумҳуриятимизда ҳам бу қадимий ақл-идрок ўйинини янада кенгроқ оммалаштиришда муайян ишлар олиб борилмоқда.


Шахматга оид китоблар, қўлланмалар нашр этилмоқда. Рўзнома ва жаридаларда шахмат бурчаклари, ойнаижаҳонда «Шоҳруҳ клуби» қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда. Агар жумҳуриятимизда ҳозир 500 мингдан зиёд киши шахмат билан мунтазам шуғулланаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, қилинган ишлар эҳтиёжни асло қопламаётгани аниқ. Жами беш-ўн минг нусхада чоп этилаётган китобларни бир варақдан тарқатганда ҳам муҳлисларга етмай қолиши турган гап.

Ана шу эҳтиёжни қисман камайтириш мақсадида «Ёш ленинчи» рўзномаси бундан кейин ўз саҳифаларида шахмат клуби машғулотларини олиб боришни лозим топди. Мен ушбу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлар эканман, жумҳурият шахмат федерацияси мутасаддиларидан бири сифатида бу клуб машғулотларини олиб боришни истеъдодли шогирдим, СССР спорт мастерлигига номзод, Тошкент шаҳар чемпиони Комилжон АЪЛОЕВга топширдим.

М. МУҲИДДИНОВ.
СССР спорт мастери.

«Кишту мот» клуби машғулотларини энди севимли ёшлар рўзномаси саҳифаларида мунтазам бериб боришни режалаштирдик. Уларда муштарийлар, шахмат шайдолари ажойиб ғаройиботларга тўла, ўзига хос шахмат оламига сайр қилиб, бу гулшандаги турли-туман неъматлардан баҳраманд бўладилар. Клубимиз машғулотлари шахмат тарихи жаҳон, Иттифоқимиз ва жумҳуриятимиз таниқли гроссмейстерлари ҳамда мастерлари ҳаёти ва ижодидан намуналар, ўйин асосларини тушунтириш ва бошқа қизиқарли материаллардан ташкил топади. Вақти-вақти билан кўрик-конкурс ўтказиб турилади.

КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ



Клубимиз машғулотларига дебоча сифатида биз қуйидаги масалани эълон қиляпмиз.

(Диаграмма).

Шарти: 3 юришда мот.

Диаграммада акс эттирилган бу шахмат композицияси ажойиб тарихга эга. «Шахмат — ақл гимнастикаси» деган таъбирни Владимир Ильич Ленин бежизга айтмаган. Ильич тахтадаги доналарга тегмай бу масала устида беш минутча ўйлагач, унинг жавобини топган. Қани, сиз азиз муштарийлар, буни қанчада ҳал қиларкансиз?

Комилжон АЪЛОЕВ,
СССР спорт мастерлигига номзод.

Рўзнома саҳифаларидаги «Камалак»

«Машъал» Тўрақўрғон ноҳия рўзномаси жамоаси кейинги йилларда жумҳуриятимиз матбуотининг мақолалар таъсирчанлигини ошириш, нашр этиш сифатини яхшилаш борасидаги тажрибаларини ижодий қўллашга ҳаракат қилиб келяпти.

Шу йилнинг бошида ноҳия комсомол қўмитаси фаолиятини изчилроқ ёритиш мақсадида рўзномада «Камалак» — комсомол-ёшлар саҳифаси ташкил қилинган эди. Муштарийлар зўр қизиқиш билан кутиб олишди. Йигит-қизлардан кўплаб мактублар кела бошлади. Бу нарса ижодий жамоани руҳлантириб, «Камалак»ни янада такомиллаштиришга даъват этди. Яқинда ноҳия комсомол қўмитаси билан келишилган ҳолда уни махсус нашрга, яъни рўзнома ичидаги рўзномага айлантиришга қарор қилинди. Шу тариқа «Машъал» саҳифаларида ноҳия комсомол-ёшларининг «Камалак» нашри дунёга келди. У ҳар ойда бир марта чиқариб борилади.

Қ. НАЖМИДИНОВ.

ҚИШЛОҚ НОҲИЯСИДА ЁШЛАР АНЖУМАНИ

«Тинчлик ва дўстлик!» Сурхондарё вилоятининг Шеробод шаҳрида ўтган ноҳия комсомол-ёшларининг IV фестивали ана шундай номланган эди. Икки кун давомида шербодлик йигит ва қизлар миллатлараро биродарлик, дўстлик муносабатлари ҳақида баҳс-мунозара юритдилар.

Бу ердаги 5-ҳунар-техника билим юрти стадионида кичик футбол, волейбол, кураш, шахмат ва шашка, стол тенниси бўйича беллашувлар, айниқса, кўпчиликка манзур бўлди. Шунингдек, истироҳат боғини мактаб ўқувчиларининг кўргазмали савдо ярмаркаси, «қушлар бозори», ёш техникларнинг ишланмалари безади. «Қизлар баҳси», «Битирувчилар байрам карнавали», «Иқбол» қизлар беллашуви мусобақалари ҳам шербодлик ёшларнинг билим ва маҳорат кўригига айланиб кетди.

Анъанавий фестиваль шербодлик ёшу-қарида, ҳамма-ҳаммада катта таассурот қолдирди.

Раҳмон БЕК.

ПРЕССАВТОКЛУБ ГАИ

ЯНГИ ТАЖРИБА

Мамлакатимизда, шу жумладан жумҳуриятимизда транспорт воситалари сонининг кескин ошиши билан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишларида бир қатор муаммолар келиб чиқди. Бу ўз вақтида йўл транспорт ҳодисалари кўпайишига сабабчи бўлмоқда.

Йўллардаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда давлат автомобиль инспекцияси ходимлари билан бирга вазирлик ва идораларнинг ҳаракат хавфсизлиги хизматчилари ва автоҳаваскорлик кўнгилли жамияти аъзолари ҳам кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Йил бошида Андижон вилоятидан хушхабар келди. Унда айтилишича, вилоятнинг транспорт корхоналарида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун милициянинг ишчи бўлинмалари тузилган. Ҳозирги кунда улар кўча ва йўлларда хизмат қилишмоқда. Жумҳурият давлат автомобиль инспекцияси андижонликларнинг бу ташаббусини маъқуллаб, уни вилоятлардаги транспорт корхоналарида ёйишга қарор қилди.

Андижон вилояти меҳнаткашларининг бу хайрли ишга қўшаётган ҳиссалари ҳозирдаёқ кўринмоқда. Вилоятдаги автокорхоналар ва бошқа ташкилотларнинг меҳнат жамоалари уюшмаси 3—5 кишидан иборат. Улар ўртача ойлик маош сақланган ҳолда милициянинг давлат автомобиль инспекцияси органларига 1 йиллик муддат билан ишга юборилмоқда. ГАИда махсус тайёргарликдан ўтишади.

Бу тайёргарликда асосан йўл назорат хизматининг сирлари билан танишадилар. Фақат шундан кейин йўл ҳаракатини назорат қилиш ишларида қатнашадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Автомобиль транспорти вазирлигининг Андижон вилоятидаги 2511-, 2508-автокорхоналарнинг меҳнат жамоалари Кенгаши бу илғор тажрибани биринчи бўлиб бошлаб беришди.

Лекин йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ишчи отрядларини ташкил этиш тажрибаси ҳар бир вилоятда меҳнат жамоаларининг қарорларига биноан амалга оширилянти. Уларнинг кўпчилиги маълум муддатга ГАИ га маблағ ўтказишяпти. Бу пулларга инспекторлар ишга олинмоқда. Шу ўринда айтиш керакки, мутахассисларнинг ҳисоблари бўйича инспекторнинг 1 йиллик харажатлари ўртача 3,5—4 минг сўмни ташкил этади. Ҳозирги кунда хўжалик ҳисобига ўтган ҳар қайси меҳнат жамоалари Кенгаши милицияга ёрдам беришда керакли нақд пулни милициянинг жорий ҳисобларига ўтказишлари мумкин. Бунда ана шу Кенгашларнинг қарорлари ва милиция органлари билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида тузилган шартномалар бўлса бас.

Ҳозирги кунга келиб Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ҳам бу ишлар бошлаб юборилди.

Ботир НОСИРОВ,
Ўзбекистон ССР ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси бўлим бошлиғи

ТВ

3 ИЮНЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 2-серия. 11.25 «Шоҳруҳ» клуби. 12.00 Москва. Футбол. СССР чемпионати. 1-лига. «Локомотив» (Москва) — «Пахтакор» (Тошкент). «Локомотив» стадионидан олиб кўрсатилади. 14.00 «Алифбо сабоқлари». 14.35 «Дўстлик» программаси. «Замондас». 15.35 «Квакша». Қўғирчоқ фильм. 15.55 «Халқ ижодиёти». Чори Хўжамбердиев ижросида «Маҳмуд паҳлавон» достонидан лавҳалар.

Тижорат видеоканали.

16.50 «Изланиш йўлидан». Сурхондарё вилояти «Ленин йўли» ноҳияси Будённий номли давлат хўжалиги меҳнаткашларининг иш фаолияти тўғрисида. 17.10 «Ер — хазина, сув — гавҳар».

* * *

17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 «Митти Гном». Мультфильм. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари» 18.50 Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди олдидан. Самарқанд вилояти Нарпай ноҳиясидан икки телелавҳа. 19.30 «Ахборот», (рус тилида). 19.45 Санъат усталари ижросида концерт. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.40 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари билан учрашув. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Садоқат». Видеофильм. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 «Яхши дегани нима?». Болалар учун кўрсатув. 10.50 «Клиника». Бадиий фильм.

* * *

17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм. 18.45 «Сеҳри ҳунар». Усто Сирожиддин Нуриддинов. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ҳар ки накуном зист...». 21.15. 22.30 Хурсанд Зарипов куйлайди. 22.00 «Ҳафта». Информацион программа. 23.10 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Здоровье». 12.45. «Мусиқий киоск». 13.15 Италия телевидениесининг программаси. 14.15 Америка киноси саҳифаларида. 2-сони. 14.45 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Қойилмақом малика». Телевизион бадиий фильм (ГДР). 16.15 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 17.30 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 2-кўрсатув. 18.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. Премьера. 1 ва 2-сериялар (Чехословакия). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари. 21.15 «Гленн Миллер: ой нури серенадаси» (АҚШ телевидениеси).

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 Давлат Воронеж рус халқ хорининг концерти. 8.20 «Рамзеснинг ҳунарлари». Мультфильм. 2-фильм. 8.30 «Келиб Каспий денгизига қуйилади». «Она-замин ташвишида» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм (Куйбишев). 9.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Доғистоннинг олтин сурлари» (Маҳачқалъа). 9.30 «Муваффақият». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм») 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 Футбол. СССР чемпионати. 1-лига. «Локомотив» (Москва) — «Пахтакор» («Тошкент). «Локомотив» стадионидан кўрсатилади. 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 А. Долуханян асарларидан концерт. 18.30 От спорти. Халқаро мусобақалар. Чехословакиядан кўрсатилади. 19.15 «Тўлқинлар амри билан». Эстрада программаси. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қорбобо ва ёз». Мультфильм. 2 қисм. 19.45 Акробатик рок-ролла бўйича халқаро турнир. «Дружба» универсал спорт залидан кўрсатилади. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 04296. Д — 23476.